

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 629.114.М-31

МАХМУДОВ АБРОРХОН АХМАДҲОНОВИЧ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА АВТОМОБИЛЛАРГА ФИРМАВИЙ СЕРВИС ХИЗМАТ
КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5А 140901- КАСБ ТАЪЛИМИ (Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш)
мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Касб таълими (ТВИТ)

кафедраси мудири :

_____ доц. А.Полвонов

« ____ » _____ 2010 йил

Илмий раҳбар:

_____ Т.ф.н. А. Нормирзаев

« ____ » _____ 2010 йил

Наманган-2010 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АМАЛ ҚИЛАЁТГАН ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС СИСТЕМАСИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	
1.1. “Uz DAEWOO KO” корхонасининг тарихи.....	8
1.2. Автомобилларга кўрсатилаётган техник сервис структураси ва технологиясининг таҳлили.....	10
1.3. Автомобиллар сервиси автомобилларга хизмат кўрсатишнинг умумий тан олинган усулидир.....	13
1.4. Автосервис корхоналари турлари ва турланиши.....	15
1.5. Соҳадаги муаммолар	24
II БОБ. АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ	
2.1. Автосервис корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Жаҳон ва ватанимиз тажрибалари.....	26
2.2. Автосервис хизматига қўйиладиган талаблар ва уларни белгиловчи ҳужжатлар.....	26
2.3. Дилер станцияларида автосервис хизмати.....	30
2.4. Дилер автосервис корхоналарида меҳнатни ташкил этиш.....	36
2.5. Дилерлик станцияларида сотув олди хизмат кўрсатиш.....	42
III БОБ. ПЕДАГОГИКА ҚИСМИ	
3.1 «Автосервис асослари» фанини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш».....	38
3.1.1 Автосервис асослари фанининг мақсади ва вазифалари.....	46
3.1.2 Олий таълимда ўқитишнинг замонавий усуллари.....	47
3.2. Маърузалар тўплами ва уни тайёрлашда илғор педагогик технология элементларидан фойдаланиш.....	55
3.2.1 Интерфаол методлардан фойдаланиб «Автосервис корхоналари-нинг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари» мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.....	64
3.3 Иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш.....	72
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	75
Фойдаланилган адабиётлар	76
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимизда ислохотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг натижасида иқтисодийтимизда сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Ўзгариб бораётган бозор муносабатларини такомиллаштириш, бозор инфратузилмасини институтлар фаолиятини рағбатлантириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб этишни кўпайтириш борасидаги вазифалар ҳозирги кун долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Эндиликда миллий иқтисодийтимизнинг турли йўналишларининг таркибий қисмларни жаҳон бозори билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон миллий иқтисодийети – жами соҳалар, ассоциациялар, корхоналар, ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, улар иқтисодий тизимга умумий қонунлар ва ривожланиш мақсадларига асосланган ҳолда бирлашган.

1996 йил Ўзбекистонда давлатимиз президенти И.А.Каримов сайъ- ҳаракатлари эвазига Жанубий Кореянинг “DAEWOO avto” LTD билан ҳамкорликда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида “ЎзДЭУ авто” ЁТХЖ қўшма корхонаси ишга туширилиб, уч хил русумдаги: “Тико”, “Дамас” ва “Матиз” ва “Нексия” автомобиллари ишлаб чиқарила бошлаши Ўзбекистони дунёнинг «Автомобиллар тарихи» зарварақларидан 28- автомобил ишлаб чиқарувчи давлати сифатида жой олишини таъминлади.

Бугунги кунда “ЎзДЭУ авто” ЁТХЖ «Матиз», «Каптива», «Такума» ва «Ласетти» русумли автомобилларни ҳам ўз конвеерларидан чиқармоқда. Яқин кунларда яна бошқа янги русумли автомобиллар чиқарилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг автомобилсозликка эътибори янада кучайиб, 1999 йилда Самарқандда Туркия давлати билан ҳамкорликда “Сам Кочавто” қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу корхонадан ўрта сиғимли автобуслар, кичик ва ўрта сиғимли юк автомобиллари чиқарилмоқда. Лойиха қуввати ҳозирча йилига 3000 дона автобус ва 1000 дона юк автомобиллари чиқаришга қодир.

Ушбу автомобил заводларида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиль, автобус ва юк автомобиллари нафақат Ўзбекистон аҳолисининг эҳтиёжларини қондирмоқда, балки Россия, бошқа МДХ аъзолари, ҳамда бошқа чет эл давлатларига ҳам экспорт қилиш бошланди.

И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, ҳавсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” асарида транспорт соҳасига муносабатига шундай дейди: “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умуман қабул этилган халқаро меёр ва қоидаларига яқинлаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Масалан, автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тўғрисидаги баённома конвенцияси, халқаро юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция ва йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди”

Ўзбекистон БМТ нинг “Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш” дастурида бевосита иштирок этиб, “Буюк ипак йўлини” тиклаш учун катта амалий ишлар бажарилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси ватанимиз автомобилсозлигини ривожлантириш ва ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сифат кўрсаткичларини дунё стандартларига тўла жавоб беришини таъминлаш зарурлигини кўрсатиб турибди. Автомобилларимиздан дунёнинг қайси чеккасида фойдаланилса ҳам, уларни узок вақт бузилмай ишлашини таъминлашимиз керак бўлади.

Бу борадаги ишлар «Автомобилсозлик» ва «Автосервис хизмат кўрсатиш» соҳасида тинмай илмий - конструкторлик ишларини олиб бораётган мутахассислар зиммасига юкланади. Жумладан, бир қатор олимлар ҳам бу борада Андижоннинг Асака шаҳрида жойлашган “ЎЗДЭУ авто” ЁТХЖ да ишлаб чиқарилаётган ва чиқарилиши режалаштирилаётган автомобиллар устида тинмай, уларнинг конструктор-изланувчилари билан автомобилларнинг конструкцияси ва ишончилигини ошириш бўйича, ҳамда «Андижонавтотеххизмат» (АТХКС) ҳиссадорлик жамияти мутахассислари билан ушбу автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ва уларни таъмирлашлар бўйича ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам институтимизнинг «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» йўналишидаги бакалаврлари транспорт воситаларини ишлаб чиқариш, ишлатиш, таъмирлаш усулларини тўлиқ билиши керак бўлса, «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» мутахассислигини магистрантлари юқоридагилардан ташқари автомобиллар сервис турларини билиши ва янги усулларини топиши зарур бўлади.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ҳозирги пайтларда ишлатилаётган жуда кўплаб сервис хизмат кўрсатиш марказлари ишалб келмоқда. Жумладан Наманган вилоятида «Шевролет-сервис» (олдинги ЎЗДЭУ-сервис) Шевролет (олдинги ЎЗДЭУ)

кўшма корхонаси компаниясининг Матиз, Дамас, Нексия, Ласетти, Каптива каби автомобилларига, Наманган-Лада сервис марказида ВАЗ, Москвич, Волга-сервисда Волга втомобилларига, ISUZU сервисда ISUZU автобуслари фирмавий техник сервис (ФТС) кўрсатилмоқда.

«Шевролет-сервис» ҚҚнинг бош сервис марказ, марказий омбори, ўқув маркази, Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги сервис марказлари биргаликда ФТСнинг умумлашган системасини ифодалайди.

Республика вилоятларида жойлашган сервис марказлар умумлашган системанинг асосий звеноси бўлиб, ҳудудий ФТС системаси шаклида фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу системанинг структурасини шакллантиришда республика ҳудудлари шароитларига асосланган илмий тавсиялардан келиб чиқмай, фақат ҳар бир ҳудудда биттадан сервис марказ ташкил этишдек априор тамойилга амал қилинган, холос. Шу сабабли мавжуд сервис марказларнинг хизмат кўрсатиш тезкорлиги, ҳажми, сифати ва баҳоси каби асосий кўрсаткичлари истеъмолчиларнинг техника воситаларини мавсум давомида бузилмасдан ишлашига доир талабларини тўла қондирмаяпти. Демак, ҳудудий ФТС системаси структурасини такомиллаштириш ва унинг параметрларини асослаш, замонавий автомобилларни самарали ва ишончли ишлатилишини таъминлаш фани соҳасидаги долзарб илмий масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Наманган вилояти ҳудудий ФТС системасининг рационал структураси ва параметрларини асослашга доир илмий-амалий масалалар систематик шаклда тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мақсади: Наманган вилояти ҳудудий ФТС системаси структурасини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш орқали ФТС самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот вазифалари:

-**ҳудудий ФТС системаси параметрларининг математик моделларини яратиш;**
-замонавий автомобилларга кўрсатилган ФТСнинг статистик параметрларини асослаш;

- ҳудудий ФТС системаси структурасини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Наманган вилоятида жойлашган сервис марказлари ва пунктлари, кўчма устaxonалар; носоз машиналарни тузатишга доир талаблар оқими, ФТС ижрочилари томонидан қондирилган талаблар оқими, ФТС самарадорлиги.

Тадқиқот усули. Назарий тадқиқотлар алгебра, систематик таҳлил, оммавий хизмат кўрсатиш ва машиналар пухталиги фанларининг қоида ва тушунчалари асосида ўтказилди. Амалий тадқиқотларда хронометраж элементларидан фойдаланилди. Машиналарни бузилиши ва тузатилишига доир тасодифий сонлар тўпламларига математик статистика ва пухталик назарияси усуллари ёрдамида ишлов берилди.

Бажарилган ишнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун хусусий усул ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги: ҳудуддаги ФТС системасининг фаолият жараёнини ифодаловчи умумий ва хусусий структуравий моделлар; ҳудудий ФТС системаси параметрларининг математик моделлари; системада юзага келган ва қондирилган талаблар оқимининг ўзгариш қонуниятларини белгиловчи статистик моделлар; янги фирмавий техник сервис пунктининг (ФТСП) асосланган параметрлари.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ҳудудий ФТС системаси учун ишлаб чиқилган умумий ва хусусий структуравий моделлар, олинган математик ва статистик моделларнинг республика қишлоқ хўжалигида яхлит ФТС системасининг структураси ва параметрларини оптималлаштиришда назарий асос ролини бажара олиши мазкур тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Ишнинг амалий аҳамияти янги ФТСП параметрларини асослаш йўли билан ҳудудий ФТС системаси структурасининг такомиллаштирилганлигидадир.

I БОБ. АМАЛ ҚИЛАЁТГАН ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС СИСТЕМАСИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Мазкур бобда автомобилларга туман ва шаҳар сервис хизмат кўрсатиш станциялари томонидан кўрсатилаётган техник сервис структураси ва технологияси таҳлил қилинган; ривожланган хорижий давлатлардаги ФТС ижрочиларининг турлари, вазифалари ва улар томонидан бажарилаётган сервис тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган; Ўзбекистон Республикаси амал қилаётган ФТС структураси ва технологияси ўрганилган ва таҳлил этилган; ўтказиладиган тадқиқотнинг мақсади аниқланган, вазифалари белгиланган.

1.1. “Uz DAEWOO KO” корхонасининг тарихи

1969 йил Маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш Республика Ўз. Авто. Тех. Бирлашмаси ташкил топган. Республиканинг ҳамма вилоятларда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бошқармалари бўлган.

Наманган вилоятида Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бошқармаси ташкил топган. Бу бошқарма қармоғида 15-РЕМ заводи, шаҳар, туманларда техник хизмат кўрсатиш устaxonалари, вулканизация, аккумулятор зарядкалари хизмат кўрсатган.

1971 йилда Наманган шаҳрида 1- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1974 йилда Наманган шаҳрида 2- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1976 йилда Наманган шаҳрида 3- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1976 йилда Косонсой шаҳрида 4- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1979 йилда Чуст шаҳрида 5- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1981 йилда Уйчи туман Қизилравот қишлоғида 6- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1982 йилда Поп туман Ором станциясида 8- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1984 йилда Чортоқ туманида 7- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1987 йилда Наманган туманида 10- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

1988 йилда Наманган шаҳрида 11- сон Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси.

Шунингдек, Норин туманида Қорасув қишлоғида Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси, Тепакўрғон қишлоғи Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси, Тошбулоқ қишлоғида Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси,

Тўрақўрғон туманида Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси қурилган.

1990 йилда Косонсой туманида Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси қурилиб ишга туширилган

1995 йилда Шаҳардаги ва туманлардаги майда устахоналар хусусийлаштирилган ва Наманган Авто. Тех. Хизмат акционерлик жамияти ташкил топган. Акционерлик жамияти қармоғида 1- сонли ва 11- сонли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари мавжуд бўлган.

2002-2003 йилларда 2- сонли, 3- сонли, 5- сонли, 6- сонли, 7- сонли, 8- сонли Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциясилари хусусийлаштирилган.

Хозирги кунда акционерлик жамиятида 1- сонли , 10- сонли мини сервис хизмат кўрсатмоқда.

1996 йилда DAEWOO АВТО КО корхонасининг диллери ҳисобланиб “Uz DAEWOO КО” Техник хизмат кўрсатиш кафолатли хизмат ва автомобил сотуви билан шуғулланади.

2005 йилдан бошлаб GENERAL MOTORIS компанияси Ўзбекистон GM “Uzbekistan” ко ташкил этилган. “GM Uzbekistan” номи билан фаолият юргизмоқда.

1.2. Автомобилларга кўрсатилаётган техник сервис структураси ва технологиясининг таҳлили

Замонавий автомобилларга ҳозирги пайтларда кўрсатилаётган техник сервиснинг амалдаги структураси ва технологиясини Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида «Шевролет-сервис» (олдинги ЎЗДЭУ-сервис) Шевролет (олдинги ЎЗДЭУ) қўшма корхонаси компаниясининг Матиз, Дамас, Нексия, Ласетти, Каптива каби

автомобилларига, Наманган-Лада сервис марказида ВАЗ, Москвич, Волга-сервисда Волга автомобилларига, ISUZU сервисда ISUZU автобуслари фирмавий техник сервис хизмат кўрсатиш марказлари ва туманларда уларни филиаллари ва яқка тартибдаги сервис хизмат кўрсатиш стационларини мисолида таҳлил этамиз.

Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ишларини адо этиш улар зиммасига юклатилган.

Юқорида номлари келтирилган СХК СТАЦИОНЛАРИ ларидаги таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш базалари, уларни таъмирлаш-технологик қурилмалар билан жиҳозланиш даражалари ўрганилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди.

Барча СХК стационлариларда хорижий техникаларни таъмирлаш цехлари ташкил этилган. Цехларда пайвандлаш, токарлик, шиналарни вулканлаш, электр жиҳозларини таъмирлаш ва машиналарни ювиш участкалари ишлаб турипти. Афсуски, бу участкалар замонавий таъмирлаш ускуналари ва стендлар билан жиҳозланмаган. Детал, узел ва агрегатларни таъмирлаш тартибларига доир технологик карталар йўқ. Машиналар конструкциясида белгиланган таъмирлаш материаллари етишмайди. Натижада бажарилаётган жорий таъмирлаш ишларининг сифати ва пухталиги талаблар даражасида эмас;

автомобилларни таъмирлаш цехларида оддий машиналар навбати билан тегишли мавсум олдида таъмирланади. Ҳар бир турдаги машинани таъмирлаш учун зарур бўладиган технологик ускуналар ўрнатилмаган, борлари ҳам эскириб кетган. Носоз машиналарни таъмирлашдан олдин дефектовка қилиш, таъмирдан чиққан машиналарни чиниқтириш ва стендларда синаб кўриш ишлари тўлиқ бажарилмайди. Таъмирлашни сифатли ўтказадиган чилангарлар, пайвандчилар, токарлар кам;

двигателларни таъмирлаш цехларида фақат эски гилза-поршен гуруҳини янгиларига алмаштириш ишлари бажариляпти, холос. Блок, тирсакли вал, шатунларни қайта тиклаш тадбирлари махсус дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар йўқлиги ёки уларнинг яроқсизлиги сабабли тўхтаб қолган. Таъмирланган двигателларни синаш стендлари аксарият ҳолларда ишламайди, уларга 80 фоизли кафолат берилмайди;

электр жиҳозларини таъмирлаш цехларининг техник имкониятлари аккумулятор батареяларини зарядлашга етади, холос. Эски батареяларни қайта тиклаш, стартёр ва генераторларни таъмирлаш учун янги эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлаш материаллари етишмайди;

аксарият таъмирлаш цехлари машиналарни таъмирга топшириш, уларни ювиш, дефектлаш, таъмирлаш, йиғиш, бўйаш ва чиниқтириш операцияларини бажариш учун

зарур бўлган технологик карталар, қабул қилиш-топшириш хужжатлари, малакали таъмирловчи технолог ва механиклар билан бутланмаган;

хорижий техникаларга ТХК бўлимлари даврий равишда ТХК тадбирларини бажариш мақсадида ташкил этилган эди. Аммо бу бўлимларга хорижий ТХК ускуналари ўрнатилмаган. Махсус калит ва мосламалар берилмаган. Шу сабабли ТХК фақатгина двигател, гидравлика ва трансмиссия мойлари, мой ва ёнилғи филтрларини алмаштиришдан иборат бўлиб қоляпти. Зарур эҳтиёт қисмлар захираси жуда кичик. Бўлимлар махсус кўчма устахоналар билан таъминланмаган;

бошқа ТХК бўлимлари хизмат кўрсатиш базаларининг тўлиқлиги ва замонавийлиги, эҳтиёт қисмлар билан таъминланганлик даражалари ва кадрлар малакаси каби муҳим мезонлар бўйича амалдаги техник талабларга жавоб бермайди.

Юқоридагилардан кўриниб турипдики, туман СХК СТАЦИОНЛАРИ лари ва бошқа хорижий фирмалар техникаларини техник шартлар талаблари асосида жорий ва капитал таъмирлаш, уларга меъёрий хужжатларда белгилаб қўйилганидек ТХКга техникавий ва технологик жиҳатдан тайёр эмас.Туман СХК СТАЦИОНЛАРИларида замонавий автомобилларни таъмирлаш, уларга ТХК сифати ва салмоғини ошириш учун қуйидаги тадбирларни бажариш тавсия этилади:

туман СХК СТАЦИОНЛАРИларининг ишлаб чиқариш-муҳандислик хизмати кўрсатишдаги салмоғини ошириш [8,9];

техник сервис кўрсатиш тадбирлари (янги техника воситаларини етказиб бериш, уларнинг носоз машиналарини таъмирлаш, машиналарга ТХК, фермерларнинг механизациялашган ва юк ташиш ишларини бажариш, яроқсиз деталларни қайта тиклаш, янги эҳтиёт қисмлар ясаш ва бошқа юмушлар) сифатини яхшилаш ва сервис фаолиятини такомиллаштириш [9÷15];

хорижий ва бошқа техника воситаларига ТХК пунктлари ва участкаларини зарур диагностика ва ўлчов приборлари, технологик асбоб-ускуналар, синов стендлари, кўчма агрегатлар ва малакали кадрлар билан тўла бутлаш [8,9,10];

таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўлинмаларини зарур меъёрий-техник хужжатлар билан таъминлаш [8,9];

техника воситаларини меъёрий хужжатларда белгилаб қўйилган қоидаларга риоя этган ҳолда ишлатиш [11÷14].

автомобилларни капитал таъмирлаш ва уларга иш жараёнида ТХК тадбирларини бажаришни вилоятлардаги фирмавий сервис марказлари (СМ) зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир [9,11,12,16-17].

1.3. Автомобиллар сервиси автомобилларга хизмат кўрсатишнинг умумий тан олинган усулидир

Автомобиллар сервиси (автосервис) автомобилларга ҳар жиҳатдан, ҳаммабоп усулда техник ва тижорий хизмат кўрсатувчи иқтисодий соҳадир. “Сервис” ингилизча “service” сўзи бўлиб, хизмат, аҳолига хизмат кўрсатиш маъносини билдиради.

Ҳозирги замон инсоният турмуши ва маданиятининг муҳим техник воситаларидан бири автомобиллардир. Автомобилларнинг давлатлар иқтисодиёти, маданиятини ривожлантиришдаги, хавфсизлигини таъминлашдаги ва аҳолининг транспортга бўлган талабини қондиришдаги аҳамияти беқиёсдир.

Автомобиллар эса, ўз навбатида, махсус хизматга, автосервис хизматиға муҳтождирлар. Автосервис хизматиға автомобил транспортининг ажралмас қисми сифатида қаралиши ва ривожланиши, айниқса мақсадга мувофиқдир. Чунончи, автосервис хизматининг бош мақсади ва аҳамияти ҳам мамлакат автомобиллари, автомобил транспортининг қайси мулк шаклида бўлишидан қатъий назар, бетўхтов, хавфсиз, тежамкор ва ишончли ишлашини таъминлашдир. Деярли ҳар куни автосервис хизматисиз биронта автомобил ўз вазифасини бажара олмайди, ишга чиқувчи автомобилларни ёнилғи-мой билан таъминлаш, уларни бутлаш (комплектлаш), ювиш-тозалаш ва синчиклаб кўриқдан ўтказиш талаб этилади. Техник хизмат ва ремонт ишларини талаб этувчи автомобилларга эса махсус профилактик ва ремонт - таъмирлаш ишлари ўтказилади. Умуман, автомобилларга сервис хизмати сифатида ўтказиладиган ишлар уч қисмдан, яъни техник хизмат, тижорий ва информацион хизмат ишларидан иборатдир. Шу нуқтаи назардан **техник хизмат ишлари** дейилганда автомобил, унинг агрегатлари, деталлари ва қисмлари техник ҳолатини созлаш-ростлаш ва тиклаш - таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишлар жамланмаси кўзда тутилади. Чунончи:

- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш;
- автомобил агрегатлари, деталлари, кузовлари, шиналари, аккумулятор-ларини таъмирлаш, иш қобилиятини тиклаш;
- автомобилларни буюртмалар асосида диагностика қилиш;
- автомобилларга кўчаларда, йўлларда, сақлаш жойларида талабга асосан техник ёрдам кўрсатиш;
- автомобилларни қайта жиҳозлаш;
- автомобилларни давлат техник қаровига тайёрлаш;

- енгил автомобиллар ва автобуслар кузовларига коррозияга қарши ишлов бериш;
- аварияга учраган автомобиллар кузовларини тиклаш;
- автомобилларни вақтинча ва доимий сақлашларни ташкил этиш;
- автосервис хизматининг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш шаклини ташкил этиш;
- техник консультация, ахборот бериш ва ҳ.к.

Тижорий хизмат ишлари эса автомобиллар эҳтиёт қисмлар, автоматериаллар, ва автоанжомлар билан таъминлаш, савдо ва реклама қилиш ва умуман, бу соҳанинг бизнес сифатидаги фаолияти тушунилади, аниқроғи:

-автомобиллар, эҳтиёт қисмлар, автоматериаллар, автоанжомлар билан савдо қилиш.

- автомобилларни ёнилғи-мой материаллар билан таъминлаш;
- кўрсатиладиган хизмат турларини реклама қилиш, мижозларни ахборот билан таъминлаш, соҳадаги рақобатга мослашиш, мижозларнинг талаблари, фикрлари ва дидларини доимо ўрганиб, иш фаолиятида ҳисобга олиб бориш ва ҳ.к. Бу хизматларни замонавий тилда авто-дилерлар амалда оширади.

Автосервис хизмат турларига, шунингдек, аҳоли автомобилларини комиссиян усулда сотиб бериш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автомобилларни ижарага бериш кабилар ҳам дилер хизмат турига киради.

Автосервиснинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ватанимиз автомобил транспорти ва аҳоли автомобиллари учун улкан бўлиб, унинг хизматидан йил давомида бир миллиондан ортиқ автомобил эгалари доимий фойдаланадилар. Республикамиз автосервиси ўзига хос ривожланиш тарихи ва йўлига эга. Маълумки, жаҳон автосервиси автомобил саноати ва транспортга тенгдош бўлиб, улар билан бирга ривожланган ва бир хил тарихга эга. Зотан, жаҳон автомобил бозорларини эгаллаш ҳамма вақт замонавий автомобил сервиси узлуксиз ишлаб туришини талаб этган.

Ваҳоланки, собиқ давлатимизда автосервиснинг пайдо бўлиши ва ривожланиши асосан фуқароларнинг автомобилларга эга бўлиши билангина боғлиқ бўлган. Давлат сиёсати, ҳамма соҳада бўлганидек, автомобил транспортида ҳам асосан жамоат транспортини ривожлантиришга қаратилган эди. Шахсий, фуқаролар транспорти иккинчи даражали ҳисобланар ва унинг транспорт системасидаги ўрни қадрланмас, унга хизмат кўрсатиш автомобил эгаларининг ўз муаммолари бўлиб қолган эди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар мамлакатни фақат йирик ва марказий шаҳарларидагина бўлиб, улар асосан чет эл саёҳатчилари ва элчихоналар автомобилларига хизмат қилар эди.

Фақат 60 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб махсус, аҳоли автомобилларига хизмат кўрсатувчи корхоналар ташкил қилиниб, ишга туширила бошлади. 1968 йилда ҳукуматнинг “Фуқаролар автомобилларига техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш” тўғрисидаги қарори бу соҳага давлат аҳамиятига эга масала сифатида ёндошиш бошланганидан дарак берди. Аҳоли автомобил парки ҳам, айниқса, 1970 йиллардан бошлаб, тез суръатлар билан ўса бошлади. ўша пайтдаги статистик маълумотларга қараганда, аҳолининг автомобиллашгани, яъни

1972----- 6	1976----- 14	1991----- 42.4
1973----- 8	1986----- 38.5	

Ҳар-бир 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони мамлакатимизда юқоридагича ўсиб борган.

Ўзбекистон аҳолиси автомобил парки 1991 йил бошида 1 млн.га яқинлашиб қолган ва маркаларига қараб қуйидагича тақсимланган эди:

- “ЗАЗ”-----15,6%;
- “Москвич”----- 26,9%;
- “ВАЗ” ----- 47,4%;
- “Волга” барча моделлари ----- 2,9 %;
- “УАЗ” -469 барча моделлари----- 0,05%;
- бошқалар----- 7,15%.

Дастлабки ташкил этилган автосервис корхоналари автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари, автоустахоналар, автомобил прокат (ижарага бериш) пунктлари, автосақлаш жойлари маҳаллий ҳокимиятлар туман ва шаҳарлар ижроий комитетлари тасарруфларида бўлган, сўнгра (1969 йилдан) ҳукумат қарорига асосан, Ўзбекистон аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ташкил этилиб, унинг таркибидаги “Ўзавтотеххизмат” бошқармасига ўтказилган.

Мавжуд ишлаб турган автосервис корхоналари қаторига 1974 йилдан бошлаб фирма усулида техник хизмат кўрсатувчи дилер корхоналар “АвтоВАЗтеххизмат”, сўнгра “КАМАЗавтотеххизмат”, “АвтоЗАЗтеххизмат”, “Москвичавтотеххизмат” ва бошқа автомобил заводларига қарашли автосервис корхоналари қўшила бошлади. Фирма усулида автосервис хизмати кўрсатиш ўша пайтдаги давлатда, ва шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам янгилик бўлиб, бу соҳада янги давр бошланганидан дарак берар эди. Энди мамлакат автомобил заводлари дунё автомобилсозлик фирмалари изидан кетиб ўз маҳсулотларига ўзлари хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ола бошлади. Автосервис хизмати янги-босқичга кутарилди, унинг моддий-техника базаси мустақамланди, хизмат

кўрсатишнинг техник ва маданий савияси яхшиланадиган бўлди. Ўзбекистонда автосервиснинг ривожланиш тарихини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин.

Биринчи давр (этап) 1965-70 йиллар. бу даврда автосервис мустақил хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида давлат томонидан тан олинди, ўз фаолиятини расмий равишда бошлади.

Иккинчи давр (1971-81 йиллар). Автосервис ривожланиши Республика аҳолиси автомобил паркиннинг кескин ўсиб бориши билан бирга кузатилди. Масалан: 1965 йилда мамлакатимизнинг ҳар бир 1000 аҳолиси бошига 3 та шахсий автомобиллар тўғри келса, 1972 йили 6 та, 1978 йили 15 та, 1981 йили 35 та автомобиллар тўғри келди.

Шунга биноан, автосервис хизмати кўрсатиш ҳажми биринчи даврга нисбатан 13 баробар ошди, ишчи постлар сони 14 марта кўпайди. Бу даврда Республика автосервиси бутунлай янги, фирма усулда хизмат кўрсатувчи, фирма усулида “АвтоВАЗтеххизмат” ва “КАМАЗтеххизмат” келиб қўшилди. Автосервисни моддий-техника базаси жиддий равишда мустаҳкамланди.

Учинчи давр (1981-90 йилларда) соҳанинг ривожланиши автосервис корхоналари тармоқлари ва таркибининг янада ўсиши ва уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамланиши билан белгиланди. Автосервис корхоналари тармоқлари ўсиши энг аввало ширкат усулидаги корхоналарнинг ва фирма усулида ишловчи “Москвич”, “ГАЗ” ва ҳ.к. сервис корхоналарининг ташкил этилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқдир. Техник хизмат кўрсатиш станциялар, махсус автомарказлар, ва автоустахоналарнинг умумий сони фақат “Ўзавтотеххизмат” бошқармаси таркибида, 1991 йил январиди 282 корхона ташкил этди. Улардаги ишчи постларнинг умумий сони 1152 тага, фирма усулида хизмат кўрсатувчи “АвтоВАЗтеххизмат”, “Москвич”, “АвтоАЗ” ва «АвтоГАЗтеххизмат»лар 50 та, корхоналаридаги ишчи постларни сони эса 408 тага етди.

Тўртинчи давр (1991-96 йиллар) автосервиснинг ривожланишида, бутун мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий таназзул сабабли турғунлик, ҳатто чекинишлар юз берди. Кўрсатилаётган хизматлар ҳажми кескин камайди, кўпгина корхоналар, айниқса, ширкат усулида ташкил бўлганлари ёпилди. Инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва ишчиларнинг анчагина қисми (30 ; 40% лар атрофида) ишдан бўшаб кетди.

Бешинчи давр (1996 - ҳозирга қадар) соҳада яна ривожланиш, хизмат турлари ва ҳажмининг сезиларли ўсиши, ишлаб чиқариш техника базасини яна мустаҳкамланиши, мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказилиши сабабли, автосервис корхоналари тармоқлари ва таркибининг яна кенгайиши ва ўсиши, кичик ва ўрта бизнес шаклида ишловчи кўпдан-кўп хусусий автосервис корхоналари, автоустахоналар, техник хизмат

кўрсатувчи постлар сонининг кескин кўпайиши, ва айниқса, мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг ишга тушиши (“УзДЭУАвто” ва “СамкочАвто” корпорациялари) ва улар томонидан қайта реконструкция қилинган автомарказлар ва дилер станцияларнинг ишга тушиши кузатилди. Соҳада автосервис бозори ва унда рақобат пайдо бўлди, Тошкент шаҳрида, «Тоёто», «Мерседес-Бенц», “Шефролет”, “ГАЗ-сервис”, “Автодом”, “ВАЗ-сервис” ва бошқа компанияларини автосервис дилерлари ишга туширилди.

Шу нарса аёнки, мамлакатимиз автосервиси ўз ривожланишининг истиқболли йўлини танлади ва бу йўлдан собит қадам билан кетмоқда. Аммо республикаимизда автосервис хизмати кўрсатиш ишлари талаб даражасида эмас, бу соҳада бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш масалалари ҳал қилиш лозим бўлади.

1.4. Автосервис корхоналари турлари ва турланиши

Маълумки, аҳоли автомобилларига хизмат кўрсатиш ишларининг асосий қисмини махсус автосервис корхоналари бажаради.




1.1.- расм. Автосервис корхоналарининг турлари.

Махсус автосервис корхоналари ўз фаолиятлари ва мавжуд иқтисодий-ижтимоий тузум асосида тарихий шаклланиб ва ривожланиб келганлар ва бутун мамлакатлар ҳудуди бўйлаб шаҳарлар ва қишлоқлар, магистрал йўллари ёқалари, аҳоли зич яшовчи мавзелар, автосаёҳатчилар тўхтовчи меҳмонхоналар ва оромгоҳларда (мотелларда) жойлашганлар. Бундай корхоналар ўзлари бажарадиган хизмат турлари ва ишлаб чиқариш фаолиятига қараб қуйидаги хилларга бўлинади.

Автосавдо марказлари (ёки дилерлик базалари) йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан улгуржи савдо қиладилар.

Автосалонлар эса шу молларни чакана савдо билан сотадилар, бунинг учун уларда автомобилларни сотишга тайёрлаш (сотув олди) техник хизматни бажариш учун махсус ишчи постлари бўлиши шарт.



Автомарказлар автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг асосий, таянч етакчи корхоналари бўлиб асосан йирик шаҳарларда (вилоят марказларида) жойлашади ва

камида 25 та, кўпи билан 100, ҳатто 200 ишчи постларга эга бўлади. Бундай марказларни одатда автомобиллар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи компаниялар, ва шунингдек, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилишга ихтисослашган фирмалар хиссадорлик асосида ташкил этадилар. Автомарказлар бир неча русумли автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш техника базаси (ИЧТБ), зарур технологик жиҳозлар, махсус асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва шунингдек, техник-технологик ҳужжатлар ва адабиётлар билан тўла таъминланган бўлади. Автомарказларнинг маълум ҳудудларда, вилоят туманлари, шаҳарлари ва қишлоқларида бир неча филиаллари бўлиб марказ уларга ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилади, айниқса, кадрлар малакасини ошириш, ишлаб-чиқаришда янги, илғор технологияни жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ва ҳ.к. кабилар. Автомарказлар-автомобиллар ишлаб чиқарувчи компаниялар билан бирга автомобиллар сервис соҳасида илмий-техника тараққиётини етакловчи ва таъминловчи, бу соҳада техник сиёсат яратувчи ва олиб боровчилардир. Автомарказлар мамлакатимизда, вилоят марказлари ва йирик шаҳарларида XX асрнинг 70-80 чй йилларида қурилиб ишга туширилган, биргина Тошкентда бундай марказларнинг 4 таси ишлаб турибди. Автомарказларнинг кўп қисми (12 таси) 1996-98 йилларда тўла реконструкция қилиниб, қайта жиҳозланиб чиқилди.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз навбатида автомарказлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи станциялар (АТХКС) ва постлар ва шунингдек турли ишларга ихтисослашган автоустахоналардан иборатдир.

Дилер автомарказлар автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг асосий, таянч-етакчи корхоналари бўлиб, асосан йирик шаҳарларда (вилоят марказларида) жойлашади ва камида 25 та, кўпи билан 100 та, ҳатто 200 та ишчи постларига эга бўлиши мумкин. Бундай марказларни одатда автомобиллар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи компаниялар хиссадорлик асосида ташкил қиладилар. Дилер автомарказлар бир неча русумдаги автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча технологик жиҳозлар, махсус асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, материаллар, техник-технологик ҳужжатлар ва адабиётлар билан тўла таъминланган бўлади. Дилер автомарказларнинг маълум ҳудудларда, вилоят туманлари, шаҳарлари ва қишлоқларида бир неча филиаллари бўлиб, марказ уларга ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилади (кадрлар малакасини ошириш, ишлаб чиқаришда янги ва илғор технологияни жорий қилиш ва ҳ.к.). Автомарказ мамлакатимизда, вилоят марказлари ва йирик шаҳарларида XX асрнинг 70-80

чи йилларида қурилиб ишга туширилган бўлиб, биргина Тошкентда бундай марказларнинг 4 таси ишлаб турибди.

Автомарказларда автомобиллар, эҳтиёт қисмлар, материаллар билан савдо қилувчи автосалонлар, базалар, омборлар, дўконлар билан бир қаторда турли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарувчи кучли ишлаб-чиқариш базаси ҳам мавжуд бўлади. Автомарказларнинг таркибий қисми бўлган савдо базалари, дўконлари, омборлари ва ишлаб чиқариш участкалари ҳудудий бир жойга жойлашган ёки ҳудуд бўйлаб миқозлар учун қулай бўлган ерларга жойлашиши мумкин.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи дилер станциялар (АТХКС) автосервис хизматини бажарувчи асосий ва энг кўп тарқалган корхоналар ҳисобланади. Замонавий АТХКС лар янги ва ишлатилган автомобиллар, эҳтиёт қисмлар ва материаллари билан савдо қилиш, автомобилларга турли хилдаги техник хизматлар кўрсатиш, агрегатлар ва деталларни таъмирлаш, ишдан чиққанларини алмаштириш, автоавариялар натижасида шикастланган автомобиллар ва уларнинг кузовларини ишлаш қобилиятини тиклаш ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, АТХКС лар миқозларнинг мурожатларига асосан, уларнинг автомобилларига кўчаларда, йўлларда, автомобилларни сақлаш жойларида техник ёрдам кўрсатиш, миқозларга маслаҳат бериш каби хизматлар билан ҳам шуғулланади.

АТХКС лар ўзларининг ишлаб-чиқариш фаолияти, қуввати, бажараётган хизмат турлари ва маъмурий-ташкилий тузилишларига қараб бир неча турларга бўлинади.

Шаҳар станцияларида кўрсатиладиган хизмат турлари халма-хил ва бажариладиган ишларнинг ҳажми ҳам каттароқ бўлиб, бу станциялардан фойдаланувчи автомобилларнинг сони барқарор бўлади, яъни станциялар доимий миқозларга эга бўлади.

Шаҳарлараро йўллар бўйларида жойлашган станцияларда аксинча, хизмат турлари чегараланган бўлиб, улар асосан техник ёрдам кўрсатиш, майда таъмирлаш ишлари, ғилдираклар ва шиналарини ямаш, дамлаш, мотор, тормоз, рул бошқармаси тизимларида, электр жихозлари асбобларида пайдо бўлган нуқсон ва носозликларни тузатиш билан бирга энг кўп зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг савдоси билан ҳам шуғулланадилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мамалакатимизда йўл бўйларида жойлашган АТХКС лар 90 йиллардан бошлаб ташкил этилган ва ишга туширилган. Уларнинг сони ва хизмат кўрсатиш даражаси ҳозирча етарли даражада талабга жавоб бера олмаяпти. Улар асосан энгил автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, юк автомобиллари ва

автобуслар деярли автосервис хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Бундай ҳолат шаҳар автосервисларига ҳам таълуқдир. Йўл бўйидаги станцияларга хос бўлган яна бир ҳолат уларнинг йил ва сутка давомида узлуксиз ишлашларидир. Бундай станциялар хусусий ёки ширкат мулклари асосида ташкил қилиниб, улардаги ишчи постларнинг сони асосан 2-5 тадан иборатдир. Чет эл автосервиси фаолиятида йўл бўйидаги АТХКСлар кўпинча АЁҚШ лар билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, улар билан бир хўжаликни ташкил қилади.

АТХКС лар ўз хизмати билан боғлиқ бўлган барча ишларни, яъни, автомобилни ювишдан тортиб то унга техник хизмат кўрсатиш ва унинг асосий қисмлари, агрегатлари, механизмларини таъмирлаганликлари учун универсал станциялар деб аталади.

Баъзи ҳолларда АТХКС, айниқса шаҳардагилари, хизматнинг айрим турларинигина бажарадилар. Масалан, автомобил мойларини алмаштириш, аварияга учраб урилган автомобиллар кузовини тиклаш ёки автомобилларнинг агрегатлари ва деталларини таъмирлаш. Бундай АТХКС лар ихтисослашган деб аталадилар.

АТХКС ларининг қувватлари улардаги ишчи постларнинг сони ва бир йилда хизмат кўрсатилган автомобиллар сони билан белгиланади. Шунга асосан улар кичик (15 та гача ишчи постларга эга бўлган), ўрта (16-25 ишчи постлари) ва йирик (25 дан кўп ишчи постли) турларга бўлинади.

Йўл бўйларида жойлашган станцияларининг қуввати эса шу йўлнинг классификацияси, яъни суткада йўлдан ўтайдиган автомобилларнинг сонига қараб тоифаланади, уларни кўпчилиги кичик станциялардир.

Автоустахоналар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини айрим механизмлар, агрегатлар ёки тизимлар бўйича бажаришга ихтисослашган кичик корхоналардир. Масалан, шиналарга ТХ кўрсатувчи ва уларни ямовчи ёки аккумуляторни зарядловчи ва таъмирловчи, енгил автомобиллар кузовларини тикловчи ва бўёвчи ва ҳ.к. Бундай устахоналар шаҳар ва қишлоқларда, йўллар бўйларида жойлашиши мумкин. Устахоналарда автомобиллар кириши учун махсус постлар бўлмайди ва у ерда ишловчиларнинг сони 1-3 кишидан ошмайди. Автоустахоналар оилавий ва кичик бизнесни айнан ўзи ҳисобланади.

Техник хизмат кўрсатиш постлари эса устахоналардан фарқли автомобилни ўзига хизмат кўрсатади ва майда таъмирлаш ишларини бажаради. Булар ҳам кичик бизнес корхоналари бўлиб уларда ишловчиларнинг сони 1-3 киши, постлар сони эса 1-2 дан иборат бўлиб, шаҳар ва қишлоқ йўллари бўйида жойлашган бўлади.

1.5. Соҳадаги муаммолар

Шахсий, фуқаролар транспорти иккинчи даражали ҳисобланар ва унинг транспорт тизимидаги ўрни қадрланмас, унга хизмат кўрсатиш автомобил эгаларининг ўз муаммолари бўлиб қолган эди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар мамлакатнинг фақат йирик ва марказий шаҳарларида бўлиб, улар, асосан, чет эл саёҳатчилари ва элчихоналари автомобилларига хизмат қилар эди.

Хар бир соҳадаги каби сервис хизмати кўрсатишда ҳам сифат муаммосини ечишда хар томонлама ёндошиш талаб этилади, яъни бир неча ўзаро боғлиқ бўлган масалаларни кетма-кет ёки параллел равишда хал этиш зарурияти пайдо бўлади.

ТХК ва таъмирлаш ишлари сифатини шакллантирувчи омилларни санаб ўтамиз, улар қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
2. Моддий-техника таъминоти;
3. Кадрларни тайёрлаш ва доимо ўқитиш;
4. Метрологик таъминот;
5. Хизмат сифатига бўлган талабларни меъёрлаштириш ва хизмат сифати даражасини баркарорлаштириш;
6. Хизматни баҳолашдан ўтказиш (сертификация);
7. Хизмат сифатини яхшилашни рағбатлантириш;
8. Хизмат сифатини бошқаришни ҳуқуқий таъминлаш;
9. Давлат томонидан давлат стандартларининг жорий этилиши ва унга риоя қилиниши, техник шартларни, техник ўлчов воситалари ҳолатини назорат қилиш;
10. Хизмат сифатини муассасалар томонидан назорат қилиш;
11. Тизимни маълумот (ахборот) билан таъминлаш.

Шу кўрсатилган барча йуналишлар буйича корхонада ишлаб чиқариш стандартлари тузилади ва уларда ўз йуналишлари буйича бажариладиган тадбирлар, бажарувчи олимлар ва ижрочилар аниқ кўрсатилади.

Хозирги кунда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сервисларида технологик жихозларни қайта таъмирлаш ва замонавийлари билан қайта жихозлаш, мижоз талаб ва истаклари асосида ишни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, соҳадаги

рақобатни ташкил этиш, хизмат таннархини ишга қараб белгилаш қўшимча ишларни юкламаслик каби муаммолар мавжудлиги кўриниб турибди.

II БОБ. АВТОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

2.1.Автосервис корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Жаҳон ва ватанимиз тажрибалари

АТХКСнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- йиллик хизмат кўрсатиладиган автомобиллар сони;
- бино ва ҳудуднинг фойдали майдонлари;
- бир ишчи постга тўғри келадиган ХК автомобиллар сони;
- бино майдонининг 1 ишчи постга тўғри келадиган фойдали майдони;
- худуд майдонининг 1 ишчи постга тўғри келадиган фойдали майдони;

АТХКСнинг лойиҳа ечимларини технологик етакчилигини юқорида кўрсатилган солиштирма кўрсаткичларини намунавий таққосланиб баҳоланади. Улардан ташқари яна:

- бинодаги автомобиллар сони 1 ишчи постга тўғри келадиган;
- умумий ишчилар сони 1 ишчи постга тўғри келадиган;
- и-ч ишчиларини сони 1 ишчи постга тўғри келадиган;
- худуд майдони сони 1 ишчи постга тўғри келадиган;
- бино қурилиш ҳажминини сони 1 ишчи постга тўғри келадиган;

АТХКС қуввати ошиб бориш билан, автомобил, жой, майдон бинони қурилиш ҳажми, ишчилар сони ошиб боради, ХК турлари кўпаяди, техно-жихоз билан таъминлаш (мехнат ва автомат) ошади. Шу билан бир қаторда йирик АТХКС рентабелликни юқорили туфайли кичикларга қараганда 2-3 ларга тезроқ ўзини ҳаракатларини оқлайди.

2.2. Автосервис хизматига қўйиладиган талаблар ва уларни белгиловчи ҳужжатлар

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга чидаш ва унда мувоффақиятли кураш олиб биришнинг асосий шартларидан бири бозорга қўйилган товарни (молни) ёки хизматни юқори сифатли бўлиши ва бунга бериладиган кафолатлардир. Автосервис хизмати ҳам бу қоидадан мустасно эмас, чунки мижозлар автомобилларига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати хизмат кўрсатувчиларни бозордаги, тадбиркорликдаги мувоффақиятлари гаровидир. Хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан

автосервис хизматида ҳам, сифат икки қисмдан, яъни автомобилда бажарилган ишларнинг сифати ва автомобиллар эгалари мижозларга қилинадиган муомила маданияти ва қулайликлардан иборатдир. Масалан, “ЎзДЭУАвто КО” корпорацияси автосервисни қуйидагича таърифлайди: “Сервис - бу сифат бўлиб, мижозлар талабларини тўла қондиришга йўналтирилган турли мумкин бўлган қулайликлардир ёки энг муҳим вазифа мижоз автомобили энг яхши хусусиятларга эга бўлиш учун нималар қилмоқни аниқлашдир”. Бу сатрлар автомобилларда бажариладиган ишларнинг сифати қатори улар эгаларига кўрсатиладиган турли қулайликлар ва хизматларни муҳимлиги сервис нуқтаи назаридан таъкидланади. Шу нарсани айтиш лозимки, яқин ўтмишимизда, бизнинг сервисимиз автомобилларга хизмат кўрсатишда маълум бир даражадаги, гарчи юқори бўлмасада, сифатни таъминлаб келган бўлса-да, автомобил эгалари, мижозлар эҳтиёжлари бутунлай тан олинмаган, улар учун ҳатто оддий қулайликлар яратилмаган, керакли маълумотлар берилмаган. Ҳозирги пайтда бу соҳадаги аҳвол аста тузатилмоқда, аммо у талаблар даражасидан ҳали йироқ, ўтмишнинг иллатлари барҳам топганича йўқ.

Автомобилларга техник хизмат ёки таъмирлаш миқёсида бажариладиган ишлар фақат шундай ҳолатларда сифатли деб тан олинади-ки, қачонки ўша ишлар техник хужжатларда кўрсатилган технологик тартибда, техник талаблар ва шартларга риоя қилган ҳоллардагина бажарилса. Масалан, автомобил мотори блоки каллагини қотириш алюминий қотишмасидан бўлган блоклар совуқ холда бўлганда бажарилса, чўян қотишмасидан тайёрланган блоклар иссиқ ҳолатларида қотирилади, (бу техник шарт), қотиришни ўртадаги шпилькадан бошлаб шахмат усулида тортилади (бу технологик талаб), тортиш кучи, моменти ГАЗ-53 мотори учун 67-72 Нм, Зил-130- 70-90 Нм ва ГАЗ-24 моторлари учун 73-78 Нм бўлиши зарур (бу техник талаб). Хўш, ТХ ва таъмирлаш ишларини бажараётган ишчини бу талаблардан хабари борми?, шу талаблар даражасида иш бажара оладими?, бунга шароит борми?, Ниҳоят, буни ким назорат қилади?, ким, унга кафолат беради? Шунга ўхшаш саволлар жуда кўп, яна маълум даражадаги меҳнат унумдорлигини таъминлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган талабларга риоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида бажарилаётган ишларнинг юқори унумдорлигини таъминлаш жуда мураккаб масала бўлиб кўпдан-кўп омилларга боғлиқ бўлганлиги сабабли сифат муаммосини ечиш осон бўлмайди.

Ҳар бир соҳадаги каби автосервис хизмати кўрсатишда ҳам сифат муаммосини ечишда ҳар томонлама ёндошиш талаб этилади, яъни бир неча ўзаро боғлиқ бўлган масалаларни кетма-кет ёки параллел равишда ҳал этиш зарурияти пайдо бўлади.

ТХ ва таъмирлаш ишлари сифатини шакллантирувчи омилларни санаб ўтамиз, улар қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
2. Моддий-техника таъминоти;
3. Кадрларни тайёрлаш ва доимо ўқитиш;
4. Метрологик таъминот;
5. Хизмат сифатига бўлган талабларни меъёрлаштириш (нормалаштириш) ва хизмат сифати даражасини барқарорлаштириш;
6. Хизматни аттестациядан ўтказиш (сертификация);
7. Хизмат сифатини яхшилашни рағбатлантириш;
8. Хизмат сифатини бошқаришни ҳуқуқий таъминлаш;
9. Давлат томонидан давлат стандартларини жорий этилиши ва унга риоя этилишини ва техник шартлар, техник ўлчов воситалар ҳолатини назорат қилиш;
10. Хизмат сифатини муассасалар (маҳкамалар) томонидан назорат қилиш;
11. Тизимни маълумот (ахборот) билан таъминлаш.

Ушбу кўрсатилган барча йўналишлар бўйича корхонада ишлаб чиқариш стандартлари тузилади ва уларда ўз йўналишлари бўйича бажариладиган тадбирлар, бажарувчи бўлимлар ва ижрочилар аниқ кўрсатилади.

Ҳар қандай кўрсатиладиган хизматни сифатига мижозлар қўядиган талаблар давлат қонунларида акс эттирилади ва шу ҳолатдагина уларни бажарилишига ҳуқуқий асос яратилади. Ўзбекистонда бундай қонунлар ҳозирча иккита: «Истемолчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни 1996 йил май ойида қабул қилинган ва товарлар ва хизматларни сертификация қилиш тўғрисидаги қонун ». Биринчи қонунда товар (мол) ишлаб чиқарувчи ёки савдо қилувчилар билан истемолчилар, мижозларни ўзаро ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарликлари умумий тарзда келтирилган. Иккинчи қонунда эса товарни ёки хизматни сертификация қилиш, яъни уларни барча талаблар, стандартлар асосида тайёрланганлиги ёки бажарилганлиги давлат томонидан тасдиқлаш ва шунга ҳужжат ёки белги олиш тартиблари келтирилган.

Бу қонунлардан ташқари, давлатни яна бир қанча стандартлари (ГОСТлари) мавжуд бўлиб улар хавфсизликни таъминлаш ва табиатни асраш, экологик талабдларидан келиб чиқади, масалан, автомобилни габаритлари, чироклари, сигнализация, бошқарув органларига қўйилган стандартлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, муассасалар (маҳкамалар) ва соҳаларнинг ўз стандартлари мавжуд. Булар автомобиллар ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг ўз маҳсулотлари ва уларга техник

хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда қўлланиладиган турли қоидалар, низомлар, техник талаблар, шартлар, технологик интизом ва ҳакозолардир.

Юқорида келтирилган давлат қонунлари, стандартлари, соҳа ва муассасаларнинг талаблари ва стандартлари асосида автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналар хизмат сифатини таъминлаш ва уни талаблар даражасида барқарор ушлаб туриш мақсадида айтиб ўтилган йўналишлар бўйича ўз стандартларини ишлаб чиқаради ва амалга оширади.

Ўзбекистонда иккинчи бўғинда («Ўзавтосаноат» корпорацияси) томонидан «ЎзДЭУ авто» автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисидаги низом» ва «Аҳоли автомобилларига хизмат кўрсатиш қоидалари» ишлаб чиқилган. Низомда автомобилларни техник хизмати ва таъмирлашлар асослари ва меёрлари, ва шунингдек уларни автотеххизмат корхоналарида ташкил этиш бўйича тавсияномалар келтирилади. Низомни асоси қилиб автомобилларни техник ҳолатини таъминловчи маълум бир стратегия танлаб олинади. Қоидада эса мижоз билан бажарувчи-ижрочи орасидаги алоқаларни, тартибларни ҳукукий меъёрлари келтирилади. Қоидадан хусусан шуларни келтириш мумкин: буюртмани бажариш муддати:

- ТХ ва давлат техник қаровига тайёрлаш - 2 кун;
- Жорий таъмирлаш - 15 кунга қадар;
- Кузовни тўла бўяш (эскисини олиб ташлаб) - 15 кунга қадар;
- Кузовни тўла тиклаш ва бўяш - 45 кунга қадар;
- Сифатни кафолати:
- ТХ камида 10 кун;
- Автомобилни, агрегатни, узелни жорий таъмири - 30 кун;
- Кузовни бўяш - 6 ой
- Агрегатни тубдан таъмирлаш - 6 ой,(босиб ўтган йўли 15 минг кмга) қадар;

Ҳукукий - меъёрий ҳужжатлар кўп бўлгани билан амалда сифат масаласида кўп муаммолар тўла ҳал бўлганича йўқ.

2.3. Дилер станцияларида автосервис хизмати

Фирма усулидаги автосервис хизмати кўрсатиш автосервис хизматининг энг қадимий усулларида бўлиб у биринчи автомобилларни ишлаб чиқариш ва харидорларга сотиш билан боғлиқдир. Чунки, автомобилларни сотиб олаётган харидорлар сотувчидан автомобилларни ишончли ишлашларини, бузулган ҳолларда тузатиб беришлари ва ишдан чиккан қисмларини алмаштириш учун эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни

кафолатлашларининг талаб этишган, яни автомобилларни сотиш учун автосервис хизмати кўрсатувчи бир тизимини ташкил этиши эҳтиёжи туғилган ва у автомобилсозлик саноати билан бирга тузила бошлаган. Дастлаб автомобилсозлик саноати томонидан ташкил этилган автосервиси хизмати бугунги кунгача яшаб, ривожланиб келаяпти ва унинг номи фирмавий автосервис ёки фирма усулидаги автосервис хизматидир. Фирма усулидаги автосервис қуйидаги хусусиятларга эгадир:

- ҳар бир автомобил ишлаб чиқарувчи компания фақат ўз махсулотлари бўлган автомобилларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этади;

- сервис хизмати автомобиллар дунёни қаерида сотилса ўша жойларда ташкил этилади;

- хизмат тўла шаклда, яъни автомобиллар сотишдан тортиб то ТХ ва таъмирлашни барча турлари бажарилади, ва шунингдек эҳтиёт қисмлар, таъмирлаш материаллари билан бекаму-кўст таъминланади;

- автосервис хизмати кўрсатувчи ва фирма усулида ишловчи барча корхоналар (автомарказлар, дилер станциялари, махсус устахоналар ва ҳ.к.) ўз компаниялари томонидан зарур технологик жиҳозлар, асбоб-ускуналар, техник ва технологик хужжатлар билан тўла таъминланади;

- компания ўз автосервиси корхоналари учун ҳамма бўғиндаги кадрлар ва мутахассисларни тайёрлайди ва уларни касбий малакаларини доимо ошириб боради.

Автомобил савдосида дилер – асосий ўрин тутиб махсулот ва харидор ўртасида воситачилик қилади. У мижоз диди, маблағи, хохиш истагига кўра автомобилга ўзгартиришлар киритиш (масалан: дискаларини алмаштириш, ўриндиқларни ғилофлаш, қўшимча фараларни жойлаштириш, полировка ва ҳоказо.

Дилер фақат янги автомобилларни сотиш билан бирга ишлаб чиққан автомобилларни олди-соттиси билан ҳам шуғулланади.

Автомобилсоз компаниялар ўзлари ташкил этган дилер-автосервис тизимига жуда катта эътибор ва жиддийлик билан қарайдилар. Чунки бу тизимлар автомобилсозларни ўз мижозлари, яъни автомобилларни сотиб олувчи ва ишлатувчилар билан боғловчи муҳим вазифани бажарадилар, дилерлар ўз компаниялари автомобилларни реклама қиладилар, сервис хизмати кўрсатишдаги мижозлар учун яратилган қулайликларни мақтайдилар, ҳуллас ўз компаниялари автомобилларини сотиб олувчи ва ишлатувчилар билан боғловчи муҳим вазифани бажарадилар, ўз компанияларининг ҳақиқий жонкуярлари эканлигини намоиш этадилар. Ўз навбатида автомобилсоз компаниялар ҳам ўзларининг сервис хизмати тизимига катта эътибор беришларини юқорида айтиб ўтган эдик. Чунки

компанияларнинг автомобиллар бозорларидаги мавқеи, тижорий ишларининг муваффақияти кўпинча айнан шу дилер-сервис хизмати тизимининг самарали ишлашига боғлиқдир. Бу дилер-сервис хизматини фирмавий ёки фирма усули деб аталишини сабаби эса ҳар бир автомобилсоз компания автосервисининг ўзига хослиги, бошқа компаниялар сервисидан бирон-бир жиҳати билан ажралиб туришидир. Албатта бу ўзига хосликлар биринчи навбатда мижозлар манфаатиларига хизмат қилишлари шарт.

Масалан, баъзи автомобилсоз компаниялар ўз махсулотлари, автомобил-ларга ёки уларнинг муҳим қисмларига кафолатли (гарантний) ишлаш даврларини бошқаларга нисбатан кўпроқ белгиласалар, бошқалари эса сервис хизматида мижозлар учун турли қулайликлар яратиш билан шуғулланадилар.

Шуни таъкидлаш зарурки, фирма усулида ишловчи дилер-автосервис хизматини ташкил этиш автомобилсоз компаниялар учун осон иш эмас. Бунинг учун компания мутахассислари катта ҳажмдаги иқтисодий-ташкилий масалаларни таҳлил қилиб ҳисоб-китоб қилиб чиқадиладар, ва натижада фирма усулида автосервис хизмати ташкил этилишининг қуйидаги вариантларидан бирини танлаб оладиладар:

- автомобиллар ишлаб чиқарувчи компаниялар билан махсус шартномалар асосида ишловчи асосий фаолияти бошқа соҳа бўлган (суғурта компаниялари, АЗС эгалари, Бритиш- Петролиум,Шел, Эссо ва ҳ.к.) дилер фирмалар ёрдамида сервис хизматини ташкил этиш.

- ихтисослашган олиб-сотувчи фирмаларнинг махсус тайёргарликдан ўтган мутахасислари томонидан ташкил этиш. («Сомитомо корпорейшн» -«Тоёто» Япония);

- автомобиллар сотувчи агентлар (дилерлар) ёрдамида (Рено, Франция, Фиат, Италия);

- автомобилларни айрим қисмларини ва тизимларини (мотор,электр жиҳозлар, шиналар, аккумуляторлар ва ҳ.к.)ишлаб чиқарувчи фирмалар ташкил этган сервисдан фойдаланиш (масалан, Ўзбекистонда АКШда дизел-мотор чиқарувчи фирмалар «Катерпиллер», «Камминс», «Дизел-Детройт», «Интернационал», «Мак», ФРГда «Раба Ман», «Порше», Россияда «Русский дизел» ва ҳ.к.), автоматик узатмалар ишлаб чикувчи компаниялар-«Американ Хонда мотор», «Крайслер», «Форд мотор», «Дженерал мотор», «Ниссан» ва ҳ.к.;

- махсулотлар ишлаб чиқарувчининг (автомобилсоз компанияларининг фирмалари оркали ташкил этилган автосервис хизмати («АвтоВАЗ», «УзДЭУАвто»).

Бу усулларни ҳар бири ўз афзаллик ва камчиликларга эга, улардан қайсини қўллаш мураккаб таҳлилий ишни талаб этади. Аммо қайси усулни қўллашдан қатъий

назар сотувчи махсулот (автомобил) сифатига жавоб беради, ва бу эса тижорат мувофақиятининг калитидир. Фирма усулда автосервис хизматини ташкил этишни қуйидаги 8 та қондаси айниқса муҳимдир:

1. Стратегия танлаш. Ҳар бир бозор учун мижозлар қандай хизматларни талаб этади, аввало шуни аниқлаб (маркетинг) уни таъминлашга кафиллик берилади;

2. Мижозлар билан алоқа ўрнатиш, улар учун қулайликлар яратиш. Агар мижозлар талаби кўп жиҳатдан қондирилмаса уларни кўнгли совиб кетишига қарши чоралар қидириш, қўшимча хизматлар ташкил этиш (видео, кинофильмлар намоиш этиш ва ҳ.к.), кўргазмалар ташкил этиш;

3. Хизмат корхонасини ўз ходимларига бўлган аниқ ва равшан талаби, хизмат ходимларининг барчаси учун баб-баробар зарур бўлган намунавий (стандарт) хизмат қондасини жорий этиш;

4. Узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;

5. Сервис хизмати ходимлари малакасини доимо ошириб бориш, ўқитиш;

6. Мақсад-нуқсонсиз (браксиз) ишлашга эришиш, сервис хизмати элементлари сонини мумкин қадар камайитириш, (буюртма қабул қилиб қилингандан то у эгасига топширилгунга қадар);

7. Мижоз-хизматни баҳоловчи энг ишончли хакам, улар фикрларини ўрганиш (анкеталаш) ва иложи борица ҳисобга олиш;

8. Ижодга йўл очиш.

Ҳозирги дилернинг шиори "Мижозга кўпроқ хизмат кўрсатиш", унга автомобил сотиш - у билан алоқа ўрнатилишини бошланишидир, сервис хизматини янги турлари доимо изланилади.

Сервиснинг муҳим элементларидан бири бу техник ҳужжатлардир. Уларни истемолчилар тилида содда ва равон усулда чиқарилади.

Бу ҳужжатларни муҳими:

-автомобиллардан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқномалар;


-ТХ ва таъмирлаш тўғрисидаги қўлланмалар;

-эҳтиёт қисмлар каталоги;

-кафиллик хизмати тўғрисидаги ҳужжатлар.

Амалда автомобилсоз компаниялар фирма усулидаги автосервис хизматини ташкил этишда юқорида келтирилган уни айнан бирон бир вариантини танлаб олиш билан чекланмай балки бир неча вариантларидан иборат комбинанияларини қўллайдилар. Масалан, Франциянинг энг йирик автомобил компанияларидан бири "Рено"га қарашли,

бутун дунё бўйлаб кенг ёйилган автомобилларга фирма усулида хизмат кўрсатувчи тармоқларда 13000 атрофида АТХКС лари ва автоустахоналари фаолият кўрсатадилар. Шулардан 6000 таси мамлакат ташқарисидадир. Бу тармоқ чизмасини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (расм 3.)



Ихтисослашган дилерлик автомарказларда 50, 75, 100 постли АТХКСлар, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан улгуржи савдо қилувчи базалар ва бошқа маъмурий, молиявий, юридик ва ахборот органлари (жами 12 та) жойлашган. Компания автомобилларга автосервис хизмати кўрсатишга ихтисослашган станциялар ўз ҳудудларидаги автомарказлар билан шартномалар асосида ва ишлайдилар. Бу дилер станциялар концессионерлар станциялари деб ҳам аталади, яъни шартнома асосида ишловчи маъносида. Автомарказлар мамлакатнинг барча вилоятлари марказлари ва йирик шаҳарларда ташкил этилган, умумий сони 50-60 атрофида.

Дилерлик концессионерлар станциялари эса (сони 500 атрофида) мамлакат бўйлаб ўрта ва майда шаҳарларда жойлашган. Бу станциялар ўз навбатида шаҳар маҳаллалари, қишлоқларда, магистрал, йўл бўйларида жойлашган, асосан кичик қувватли (3-6 постли) дилер-агент станциялари ва автоустахоналари билан шартнома асосида ишлайдилар. Бу станциялар асосан автомобиллар сотиш (янгиси ва эскиларини ҳам) кафолатли ва майда таъмирлаш ишлари ва ТХ ишларини бажарадилар. Савдо билан сервис хизмати орасидаги нисбат, даромад ҳисобида 85:15 фоиз. Фақат баъзи ишларни, масалан, моторни компьютер тизими бошқаришни, автоматик узатмалар кутисини таъмирлаш, олдинги ойналарни алмаштириш бўйича бошқа мустақил станцияларга қараганда кўпроқ бажариши

мумкин. Шартномага асосан ҳар бир дилер ўртача 300-350 та янги автомобиллари сотиши зарур. Ўз ишининг ривожини учун 350-400та ишлатилган ва қайта таъмирланган автомобиллар ҳам сотади. Италиянинг машҳур «Fiat», «Фиат» компанияси ҳам шу йўналиш асосида автосервис хизматини ташкил этган. Унинг автосервис хизмати билан мамлакатда ва унинг ташқарисида 11 мингча корхоналар шуғулланадилар.

Дилер станциялариинг мижозлари асосан шахсий автомобил эгалари (ТХ ва таъмирлаш бўйича) ва турли автотранспорт корхоналаридир (эҳтиёт қисмлар савдоси бўйича). Дилерларни мавқеи бошқа мустақил станцияларга қараганда юқори туради, уларда бажарилган ишлар сифати юқори баҳоланади ва алмаштирилган эҳтиёт қисмлар ишончли ҳисобланади. Уларда ишловчиларни иш ҳақлари ҳам 50-70 фоиз бошқаларга қараганда юқори бўлади. Умуман олганда фирма усулидаги автосервис хизматининг кадри юқори бўлсада унинг ҳажми катта эмас. Масалан, АҚШда барча автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фақат 9 фоизгина фирма усулида ишлайдилар. Уларни ТХ ва таъмирлашдаги бажарган ишларининг улуши 16 фоизни ташкил этган (1996 йил).

2.4. Дилер автосервис корхоналарида меҳнатни ташкил этиш

Дилер автосервис корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ўрганиш учун, аввало, уларнинг ташкилий тузилишлари, таркиби билан танишиб чиқамиз. Бизни қизиқтирган корхоналар - бу, табиий автомарказлар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи станциялардир (АТХКС).

Автомарказлар автосервис тизимининг энг йирик ва кўп қиррали фаолиятларига эга бўлган корхоналари бўлиб уларнинг таркиби қуйидаги қисмлардан иборат дейиш мумкин:

- савдо;
- автосервис ишлаб чиқариш;
- маиший-маданий хизмати;
- маъмурий бошқарув соҳаси.

Дилерлик савдо қисми автомобиллар, уларга эҳтиёт қисмлар ва турли автоматериаллар, автоанжомларнинг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади ва у савдо базалари, омборлари, салон - дўконларидан ва шунингдек, ҳисобот-ахборот бўлимларидан иборат бўлади.

Автосервис ишлаб чиқариш қисми автомобилларга турли хилдаги техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш, мижозлар билан ишлаш, моддий -техника таъминоти ишлари билан шуғулланади ва унга барча ишлаб чиқариш участкалари, технологик жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар омборлари қарашлидир.

Маиший-маданий хизматни мижозлар ва ходимлар учун хизмат қилувчи ошхоналар, кафе-барлар ва чойхоналар ташкил этади.

Автомарказларнинг маъмурий-бошқарув тизими турли шаклда, у марказнинг кўламига, мулк эгалигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, бошқарув бошлиғи ва шунингдек, бир неча бўлимлар, чунончи, кадрлар, молия-иқтисод, қурилиш-таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, ишлаб чиқариш техника ва бошқа бўлимлардан иборатдир.

Умумий усулда автосервис хизмати кўрсатувчи автомарказларнинг таркибий ва ташкилий тузилишларидан бир вариантни қуйидаги чизмада тасаввур этиш мумкин.

Автомобиллар ишлаб-чиқарувчи ва сотувчи компанияларнинг фирма усулида хизмат кўрсатувчи автомарказлари ҳам деярли юқорида келтирилган тизимлар ва бўлимлардан иборат бўлиб, фақат уларнинг савдо қисмлари молиявий, баъзан эса маъмурий мустақилликларга эга бўлади.

Автомарказлар мижозлар билан ишлашга, улар диққатини фирма молларига, хизматига жалб этишга катта аҳамият берадилар ва шу мақсадда савдо ва техник хизмат кўрсатиш соҳаларида бозорни махсус ўрганиш, мижозлар билан алоқа боғлаш ва улар истак ва таклифларини ўрганиш секторларини ташкил этадилар. Мисол сифатида расм. 8 даги чизмада Жанубий Корея ва Япония автомобил компанияларига қарашли дистрибютер чизмаси келтирилган. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларининг (АТХКС) таркибий қисми ҳам асосан уч хил тизимлардан,

- савдо;
- техник хизмат;
- моддий-техника таъминотидан иборатдир.


Маълумки, меҳнатни ташкил этиш, ҳар қандай бошқарув (менеджмент) асосини ташкил этади. Бунда ҳар бир ишчи ёки ходим учун у юқори самарали меҳнат қилиши мақсадида ишлаб чиқариш технологияси асосида махсус жиҳозланган, маълум санитария-гигиена қоидалари ва хавфсизлик талабларига жавоб бера оладиган ишчи ўрин билан таъминланиши зарурдир.

Автосервис корхоналарида ишчи ўринлари қандай ташкил этилиши масаласига тўхталиб ўтирмаймиз, чунки бу масала сизларга маълум бўлган автотранспорт корхоналариникидан жиддий фарқ қилмайди.

ташқил этиш агрегат-узел усули деб аталади ва кўпинча автомарказларда ва йирик қувватли станцияларда қўлланилади.



Бу усулнинг афзаллиги шуки, бир томондан иш унуми ошса (бир хил ишни бажаравериш натижасида), иккинчи томондан ишлар сифатини назорат қилиш имконияти ошади ва шунингдек, бригадалар орасида корхонанинг ишлаб чиқариш ресурсларини (ишчи постлари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва ҳ.к.) тақсимлаш осонлашади.



Расм 9. Автомобилларга ТХ кўрсатувчи ўрта қувватли станцияларнинг таркиби ва ташкилий тузилмаси.

Меҳнатни агрегат-узел усулида тақсимлаш ва ташкил этишнинг камчилиги эса автомобилнинг яхлит техник ҳолатига бригадаларни якка жавобгарлиги сустрашади.

Меҳнатни тақсимлаш ва ташкил этишнинг яна бир усули хизмат турлари бўйича ихтисослашган ишчилар бригадасини шакллантириш ва ишлатишдир. Бу усулга биноан хизмат турлари: ювиш-тозалаш, техник хизмат, майда ва тез таъмирлаш, жиддий таъмирлаш, кузов ишлари ва ҳ.к. бўйича алоҳида ихтисослашган ишчилар бригадалари тузилиб, ишга туширилади. Бундай бригадалар турли касбдаги ишчилардан иборат бўлиб, ўз ихтисослиги бўйича (ТХ ёки таъмирлаш) қабул қилиниб олинган автомобил бўйича барча турдаги ишларни (ювиш ва тозалашдан ташқари) тўла бажарадилар. Ишчилар меҳнатини бу усулда ташкил этишнинг асосий афзаллиги унинг соддалиги ва қулайлигидадир. Лекин автомобил турли хилдаги хизмат учун кирган пайтларида турли бригадалар қўлига тушиб қолади ва уни “ўз” устасидан айрилиб қолиш имконияти туғилади ва бу ҳол мижозларга ёқавермайди.

Ишчилар меҳнатининг комплекс бригадалар усулида ташкил этилиши ҳам жиддий камчиликлардан холи эмас, улардан энг кўп тарқалгани бригадаларидаги иш сифатини корхона кўламида назорат қилинишининг сустлашишидир. Чунки бригадалар мижозлар билан келишган ҳолда ўз нуқсонли ишларини яширишларига имконият туғилади. Шунингдек, комплекс бригадалар орасида ишлаб чиқариш ресурсларини тенг тақсимлаш қийинлашади ва бу ҳол эса жамоада маънавий-руҳий ҳолатнинг таранглашишига олиб келиши мумкин.

2.5. Дилерлик станцияларида сотув олди хизмат кўрсатиш

ТХК ҳаракатланувчи таркибни ишлай олувчанлик хусусиятини ва ташқи кўриниши, деталарни ейилиши жадаллигини камайтириш, текшириш-диагностика ишларини ўз вақтида ўтказиш ва бузилишини олдини олишга қаратилган комплекс жараёнлар: мойлаш, қотириш, созлаш ишларини бажариш ва автомобилни ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга мўлжаллангандир. ТХК ҳаракатланувчи таркибнинг агрегат узелларини белгиланган давр ичида бузилмасдан ишлашини таъминлаши лозим. Биринчи тоифали эксплуатация шароити учун ТХК даврийлиги қуйидагича бўлади.

Енгил автомобиллар учун - 4000 км

ТХК кунлик режа асосида боши берк постларда ёки махсуслаштирилган оқимли қаторларда ташкил этилади. ТХК ишлари барча универсал постларда универсал ёки мутахассис ишчилар томонидан амалга оширилади, ишлар белгиланган технология бўйича кетма - кетлик асосида олиб борилади.

Агар автомобиллар бир неча универсал постларда хизмат кўрсатилса, уларнинг ҳар бир постга ҳар хил кетма - кетликда келишига кўра бир хил ҳажмга эга бўлмаган ишларни бажаришга тўғри келади. Бу пайтларда постни йиғинди унумдорлиги дастурда талаб қилинган хизмат кўрсатишлар сонига тўғри келиши лозим. Оқим услубида постлар оқим йўналиши бўйича ёки оқим йўналишига кўндаланг ҳолда жойлашиши мумкин. Оқим усулида ҳар бир постларга автомобилларни келиш кетма — кетлиги бир хил бўлиши керак. Кетма - кетликнинг бир хиллигини таъминлаш учун, яъни ортикча иш ҳажмини бажариш

учун ҳар бир постга тўғри келувчи ишчилар сони қуйидаги шартга асосан танланиши керак.

$$P = \frac{T_1}{P_o} + t$$

бу ерда: T_1 —постда бажариладиган 1 —ТХК иш ҳажми;

P_o —постдаги ишчилар сони;

t —автомобилларни постда туриш вақти.

Постларни бундай тизими хизмат кўрсатишнинг оқимли тизими дейилади. Автомобилларни постдан - постга силжитиш учун конвейерлар қўлланилади. ТХКда агрегатларни техник ҳолати ва маҳкамланганлиги, текширилади ва лозим бўлса қотириш - созлаш ишлари бажарилади. ТХКда ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи агрегатлар ва узелларни техник ҳолатига алоҳида эътибор берилади.

ТХКда бажариладиган текшириш, қотириш, созлаш ишлари бўйича амалий билимларни эгаллаш ва технологик жараёнда фойдаланиладиган жиҳозлар ва асбобларни ўрганиш.

Иш жойини жиҳозланиши

Калитлар тўплами, тормоз тизимларини созлаш учун асбоблар, педални эркин йўлини ўлчаш учун чизғич, ёнилғи - мой қуйиш қурилмаси ва бошқа ТХК учун лозим бўлган асбоблар.

Ишни бажариш тартиби.

Тажриба иши АТК да ўтказилади.

ТХК минтақасида постларида

1- ПОСТ

Аккумулятор батареяларини техник ҳолати ва маҳкамланганлиги, электролит сатҳи, узгич-тақсимлагични қотирилганлиги, ёндириш ғалтагини, генераторни, узгич- тақсимлагични, ёндириш чироқларини ҳолатлари текширилади ва лозим бўлса қотирилади; ёнилғи насоси ва ёнилғи тозалаш филтрини маҳкамланганлиги ва ҳолати текширилади; тормоз тақсимлагичлари ва бош тормоз цилиндри маҳкамлиги текширилади; сув насосини вали мойланади.

2-ПОСТ

Илашиш муфтасини картерини қуйи қисмини ҳолати текширилади ва маҳкамланади; узатмалар қутисини маҳкамловчи болтилари ҳолати ва чанг ушловчи

салникни ҳолати, бош узатма шестерняси фланецига карданли вални фланецини маҳкамланганлиги, олдинги осма пружиналарини, амортизаторларни, кетинги осма рессораларни ҳолати текширилади ва лозим бўлса қотирилади.

3-ПОСТ

Педалнинг эркин йўли текширилади ва лозим бўлса созланади, тормоз суюқлигини сатҳи, гидровакуум кучайтиргичини, тақсимлагични ҳолати ва маҳкамланганлиги текширилади ва қотирилади.

4-ПОСТ

Шиналарни ҳолати ва ҳаво босими текширилади ва лозим бўлса меъёрига келтирилади, ғилдирак ступицаси подшипниги люфти, бурилувчи цапфа шкворняси ҳолати, тормоз тизимини юритмаларини ва илашиш муфтасини маҳкамланганлиги текширилади ва созланади.

5-ПОСТ

Узатмалар қутисидаги мой сатҳи текширилади ва керак бўлса меъёрига келтирилади; орқа кўприк картери мойини сатҳи текширилади ва лозим бўлса меъёрига келтирилади.

6-ПОСТ

Мойлаш тизимиини юувчи аралашма билан ювилади, янги фильтрловчи элемент ўрнатилади, двигател картерига янги мой қуйилади, ҳаво тозалагичга мой меъёрида қуйилади, рул бошқармаси картеридаги мой текширилади, лозим бўлса меъёрига келтирилади. ТХК сифати текширилади

III БОБ. ПЕДАГОГИКА ҚИСМИ

3.1 «АВТОСЕРВИС АСОСЛАРИ» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ»

3.1.1.Автосервис асослари фанининг мақсади ва вазифалари

Ушбу фанни ўқитишдан мақсад талабаларга автосервис асослари бўйича билим ва маҳорат олиши, автосервисни келиб чиқиши, автосервис корхонасининг турлари, автосервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, автомобилларга хизмат кўрсатиш сифати бўйича автосервислар, ҳамда автосервис асослари бўйича билим беришдан иборатдир.

Олий таълим Давлат стандартига асосан фанни бакалавр тайёрлашдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- автомобиллар сервисини пайдо бўлиши ва ривожланиши;
- техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмир турлари ;
- автосервис корхонасининг турлари;
- хизмат сифатини белгиловчи ҳужжатлар;
- фирма усулидаги автосервисларни ташкил этилишини асосий усуллари ва мезонлари;
- автосервис корхоналарида ишлаб чиқариш участкалари ва уларда ишни ташкил этиш;
- автосервис корхоналарида автомобилларга ТХК ва Т ишларини ташкил этиш;
- автосервис корхоналарида меҳнатни ташкил этиш;
- автосервисни муаммолари ва чет эл тажрибалари;
- автосервис корхоналарини ривожланиш истикболлари.

Автосервис асослари фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқув ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

- янги замонавий технологияларга таянган ҳолда транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ўрганиш;
- автосервис бўйича тушунчага эга бўлиш;
- автосервис корхонасининг турларини билиш;
- автосервис корхоналаридаги ҳужжатлардан фойдаланиш билиш;
- автосервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини билиш;
- автосервис корхоналарига янги замонавий технологияларни жорий этиш;

- автосервис корхоналарини ривожлантириш йўлларини ўрганиш.

Автосервис асослари фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Автосервис асослари фани физика, математика, назарий механика, материаллар қаршилиги, машина ва механизмлар назарияси, машина деталлари, транспорт воситаларини тузилиши ва назарияси, транспорт воситаларини электр ва электрон жиҳозлари, транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар, ишонччилик назарияси ва диагностика, иссиқлик техникаси, гидравлика, автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмири, меҳнат муҳофазаси, экология ва бошқа фанлар билан боғлиқ, шунинг учун бу фанларни билиш зарур.

3.1.2. Олий таълимда ўқитишнинг замонавий усуллари

Танқидий фикрлашни ўстиришга хизмат қиладиган методлар «Демократик таълим учун» консорциуми томонидан амалга ошириладиган «Танқидий фикрлаш учун ўқиш ва ёзиш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишда қуйидаги асослардан келиб чиқадилар: Фикрлаш-ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни камраб олади.

Танқидий фикрлаш таълимий дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироқлашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ҳам эмас.

Браун таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларидан ажратилган ўқув кўникмалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу кўникмаларни янги вазиятлардан қўллай олмайди.

Рихер таъбири бўйича ўрганиш ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультимедиа маданияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Вақт. Танқидий фикрлаш вақт талаб қилади.

Пирсон, Хансен, Гордонлар таъкидлашдики, ўз фикрларини ижод қилиш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жиҳатидан тадқиқ қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам:

- фикрларни ўз сўзлари билан ифодалаш;
- ўзаро танқидий фикрлар алмашиш;
- ўз ғояларини ифода қилиш ва конструктив таклифларга жавоб ола билиш;

- фикрларни муайян ғоялар қиёфасида, муҳитда амалга ошира олиш ва ўз ғояларини тўла ва аниқ ифодалай олиш.

Изн. Танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун ўқувчилар маъқул ва номаъқул нарсаларни айтиш, улар ҳақида фикрлаш, ижод қилиш учун рухсат олишлари лозим. Ўқувчилар йўл қўйилган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар.

Танқидий таҳлилга изн олиш онглилик тамойилига асосланади. Бундан таҳлил ва ҳаддан ошиш орасидаги фарқ аниқлаб берилиши лозим. Танқидий фикрлашга изн фикрлаш учун чинакам мақсад бўлган дўстона ҳамда самарали шароитда берилади.

Ранг-баранглик. Ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади.

Ранг-баранг фикр ва ғоялар яккаю-ягона жавоб мавжудлиги ҳақидаги тасаввур бартараф қилинган чоғдагина юзага келади. Фикрларни ифода қилиш чегараланганда ўқувчиларнинг фикрлашига чек қўйилади. Фақат биргина жавоб мавжуд бўлган тақдирда хилма-хил восита ва жараёнлардан фойдаланиш жоизки, унинг ёрдамида ўқувчилар ана шу жавобни топа олсин.

Фаоллик. Танқидий фикрлаш ўқувчиларнинг фаоллиги билан бевосита боғланган. Одатда, ўқувчилар сусткаш тингловчилар бўлишади, чунки уларда ўқитавчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимлари ўқитувчи масъул деган ишонч шаклланиб қолган. Ўқув жараёнидаги ўқувчиларнинг фаол иштироки ва ўқишларига ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Ўқувчиларнинг фикр юритишга, ўз ғоялари ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педпгогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Михаил Чикжентмихаил таъкидлайдики, ўқувчилар ўша мураккаб даражадаги ўқув жараёнида фаол иштирок этишса, билиш жараёнида қатнашганлигидан катта баҳра оладилар ва ўзларида чуқур қониқиш ҳиссини сезадилар.

Таввалкалчилик. Эркин фикрлилик таваккалчиликка асаосланади. Унинг билим фаолиятида кўркмай таваккал қилувчи инсонларни рағбатлантириб туриш жоиздир. Фикрлаш жараёнида «аҳмоқона ғоялар» ақл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи бунини ўқув жараёнининг табиий ҳолати сифатида ўқувчиларга тушинтириши лозим.

Ўқувчиларнинг таваккалдан ҳоли бўлган, яъни ғоялар қадрланган, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида фаол иштирокини юқори мотивациялаш имкони бўлган муҳитда ўйлаш лозимлигига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Кадрлаш. Танқидий фикрлашнинг омилларидан бири ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини кадрлашдир. Ташкил этилган фикрлаш жараёнида ўқувчилар ўз ғоялари, тасаввурларининг ўқитувчи томонидан кадрланаётганини тушунган ҳолда чуқур масъулият ва эътибор яраша жавоб қайтарадилар.

Ўқувчиларнинг ўз фикрлаш жараёнини кадрлаш намоёиш қилишга ҳаракат қиладилар, унга ва оқибатларига нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар.

Қимматлилик. Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида ўқувчи уларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи ўқувчилардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан ҳоли бўлиши лозим. Бу эса ўқувчиларда ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида ўқувчиларга ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиши зарур. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари зарур. Улар ўз фикрининг тушунча ва масалани муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим, шунингдек, катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

Ўзаро фикр олишув. Фикрлаш жараёни ўқувчиларнинг ўзаро фикр олишувини кўзда тутади. Ўқувчиларнинг ўзаро фикр олишиши уларнинг бир-биридан ўрганишдаги ўртоқчилигига асос солади. Ўқувчилардан фикрловчи сифатида ўзларида бўлган йирик фикр ва оддий хатога бўлган қобилиятларини бошқаларга очиб бериш талаб этилади.

Ўзаро фикр олишишда ўқувчилардан диққат билан тинглаш,. Ўзининг қарашлар тизимини сўзловчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчиларни тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан ўқувчилар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозалар оқибатида ўлароқ ўқувчилар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд. Улар:

- ўзига ишонч ҳосил қилиш;
- ишда фаол иштирок этиш;
- ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр олишиш;
- ўзгалар фикрини тинглай олиш.

Танқидий фикрлашни таъминловчи саволлар. Танқидий фикрлаш жараёнида ахборотни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларини таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта тузиб чиқишга қаратилган саволлардан

фойдаланилади. Қўлланмада таҳлил қилинаётган бу масалалар Сэндерс ифодалари ва Блум тизимли саволларидан олинади. Бу саволлар турли сатҳдаги қийинчиликда фикрлашнинг турли кўринишларини таъминлашда восита бўлиб хизмат қилади. Эслаб қолишга хизмат қиладиган саволлар ёки формал сатҳдаги саволлар куйи сатҳдаги саволлар тааллуқлидир. Баҳолаш ёки ҳукм чиқариш бериладиган саволлар фикрлашни таъминлайдиган иккинчи сатҳдаги саволлар сифатида қаралади.

Ахборотларни бир шаклдан иккинчи шаклга кўчириш ўқувчилардан уни кўчим(трансформация) қилиш талаб қилинади. Кўчириш саволлари ўқувчиларга ўрганаётган, тавсифланган ва кўрган вазиятлари, сахналари ва воқеаларини ўзлари намоиш эта олишлари учун берилади. Кўчириш саволлари ўқувчиларни ахборотларни қайта ишлаш ёки бошқа шаклларга кўчим қилишга илҳомлантиради. Ўқувчиларга сезиш, кўриш(сенсор) тажрибасини яратиш,. Шундан сўнг эса бошқалар ўз кўрганларини етказиш учун уни эълон қилиш зарур. Бу фикрлашга тортишнинг фаол ижодий жараёнидир.

Талабларга ғоялар, фактлар, қайдлар ва қадриятлар орасидаги боғланишларни очиш учун изоҳлашга қаратилган саволлар берилади. Сэндрс изоҳлашга қаратилган саволларга нисбатан юқори даражадаги фикрлашни талаб қиладиган таянч саволлар деб қарайди, бошқалари эса (Вогн ва Эстес) тушунишнинг ўзгина изоҳлашдир, деб ҳисоблайдилар.

Тадбиқ қилишга қаратилган саволлар ўқиш(талаффуз) жараёни ёки ўрганиш тажрибасида учрайдиган мантиқ муаммоларини ечиш ва чуқур ўрганиш учун имконият беради.

Таҳлил этишга қаратилган саволлар янгича фикрлаш асосида ижодий муаммоларини ҳал қилишга даъват этади. Синтез саволлари ўқувчиларга ўзининг барча билим ва тажрибаларини муаммонинг ижодий ечилишида фойдаланишга имкон беради. Синтез саволлари муқобил сценарийлар яратишни ҳам тақозо қилиши мумкин.

Баҳолаш саволлари яхши ва ёмон, адолатли ва адолатсизлик тўғрисида ҳукм чиқариш учун берилади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш муаллифлари фикрлаш жараёнини ташкил этишда идрок қилишнинг 4 типини фарқлайдилар:

Яхлитлигича идрок этиш. Мавзу ёки фан тўғрисидаги умумий билим берадиган идрокнинг шаклидир.

Изоҳли идрок этиш. Бу Блум изоҳлари даражасига айлангандир. Идрокнинг бу типда ўқувчи ғоя ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларини ёритади, унинг моҳиятини

муҳокама қилади, фаннинг турли соҳаларига оид ғоя ва ахборотларни ҳатто ташқи жиҳатдан боғлиқ ходисаларни бирлаштиради.

Шахсий идрок этиш. Ўқувчиларнинг ўзларида аввалдан мавжуд бўлган шахсий тажриба ва билимлар тузилмасини янги билимлар билан боғлаб тушуниш жараёни акс эттиради.

Танқидий идрок этиш. Мазмунни бир томонга қўйиб, уни таҳлил қилиш, унинг нисбий қимматини, тўғрилигини, фойдалилигини ва ўқувчиларнинг билиш, тушуниши ва қабул қилиши доирасида унинг аҳамиятини баҳолашдир.

Кубиклар. Кубиклар-бу дарс ўқитиш методикаси бўлиб, у ўзгарувчан перспективлар мавзунини ўрганишни осонлаштиради. Ҳар томонидан тўрт ўқувчилар берилган кубиклардан фойдаланилади, кубикни бирор бир қутича олиб ёнига қоғозлар ёпиштириш билан ясаш мумкин, томонлари 15-20 сантиметр бўлгани яхши, кубикнинг олти томонига қуйидаги кўрсатмаларни ёзадилар: буни тасвирлаб беринг, буни тушунтириб беринг, ўқитувчилар ўқувчиларни кубик тузиш жорийлигидан бошлаб бориб белгиланган мавзу бўйича эркин ёзма ишга (2-4 минут) уларга қисқа вақт берадилар, бу жараён шундай олиб борилади.

Биринчидан, мавзу берилади, шундай кейин ўқувчиларга мавзу ҳақида ўйлаб кўриш, чиқиб уни қандай кўраётган бўлса шундай тасвирлаш сўралади: ранги, шакли, белгилари ва шу қабили.

Шундай кўрсатмалар билан йўналтирилган ўқувчилар белгиланган вақт давомида, маълум мавзу бўйича эркин фикрлаб, ёзиб борадилар.

Бу жараён кубикнинг олти томонида кўрсатилганидек давом этади. Кубикнинг олти томони учун кўрсатилганидек давом этади. Кубикнинг олти томони учун кўрсаткичлари қуйидагича: тасвирланг, предметга диққат билан қаранг (фақат ўз ҳатингизда бўлиши мумкин) ва нимани кўрсатаётганини чизмани тасвирлаб беринг. Ранги, шакли, ҳажми.

Ишончли далиллар топишга ҳаракат қилинг ҳар қандай асос кубикнинг уч томонини типлайдилар ва улар бўйича ўз фикрларини айтади. Ўз шеригича нима ёзганини ўқиб беради.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришга амалда саволлар ёрдамида эришиш мумкин:

- тахмин қилишга савол;
- синтез қилишга савол;
- шарҳлашга савол;

- қўллашга савол.

Юзага келтириш, англаб етиш, фикрлаш педагогик стратегиялар қуйидагилар ҳисобланади: «Кубик», «Кластерларга ажратишга». «Синквейн», «Ақлий хужум» тузиш.

Кластерларга ажратиш. Бу педагогик стратегия бўлиб, ўқувчиларнинг у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фақат ғоялар орасидаги боғланишларни фикрлашни таъминлаш имкониятини берадиган тузилмани аниқлаб олишини талаб қилади. У фикрлашнинг оддий шакли эмас, балки мия фаолияти билан мия боғланади.

Кластерларга бўлишда ахборотларни чорлаш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. У муайян мавзу синчиклаб ўрганилгунча фикрлаш фаолиятини таъминлашда фойдаланилиши мумкин. Кластерга бўлиш ўқувчиларнинг тасаввурларини янги боғланишлари ёки уларнинг график ифодалари кўринишларини таъминловчи сифатида ҳам ўтганликларини яқунлаш воситаси сифатида қўлланиши мумкин. Бу ўз билимларига, муайян мавзу тўғрисида тасаввурга ва уни тушинишга йўл очадиган назариядаги стратегиядир.

Кластерларга бўлиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

1. Ҳушингизга келган барча фикрларни ёзиб олиш. Бу фикрларни муҳокама қилманг, шунчаки ёзиб олаверинг.
2. Хатни (матнни) кечиктирадиган имло ва бошқа омилларга ҳам парво қилманг.
3. Сизга берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ёзишдан тўхтаманг. Миягингизга фикр келиши тўхтаб қолса, токи янги фикрлар келгунга қадар қоғозда ниманидир чизиб ўтиринг.
4. Имкони борича, боғланиш мумкин бўлган ғояларни тизиб чиқинг, ғояларнинг оқими сифатида ва улар орасидаги алоқаларни чегаралаб қўйманг.

Кластерларга ажратиш, Стил ва Стилнинг таъбирича, бу жуда мослашувчан стратегиядир. Уни индивидуал тарзда ҳам гуруҳда ҳам қўллаш мумкин. Гуруҳ фаолиятида у гуруҳ ғояларини тирговичи сифатида хизмат қилади. Бу эса ўқувчиларни ҳар бир амалда бўлган боғланишларга, алоқаларга яқинлаштиради.

Синквэйн. Ахборотларни қисқача баён қилиш, мураккаб ғояларни, сезгиларни, тасаввурларини бир неча сўзлар воситасида баён қилиш имконияти муҳим малакадир. Бу бой тушунчалар заҳираси асосидаги ўйланган рефлексияни талаб қилади. Синквэйн бу шеър бўлиб, у бирор воқеа муносабати билан ёзиладиган ёки рефлексия қилинадиган қисқа ифодаларда ахборот ва материалларнинг синтезланиши талаб этади.

Синквэйн сўзи французча бўлиб, беш деган таржимани беради. Демак, синквэйн беш қатордан иборат шеърдир.

1. Биринчи қаторда бир сўз билан мавзу тавсиф қилинади (одатда от туркумидаги оид сўз билан).
2. Иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).
3. Учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан тавсиф этилади.
4. Тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўрт сўздан иборат гап (ибора) ёзилади.
5. Бешинчи қаторда мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синонимидир.

3.2. Маърузалар тўплами ва уни тайёрлашда илғор педагогик технология элементларидан фойдаланиш

Маъруза

Мавзу: Автосервис корхоналари ва уларни турлари

Ўқув модули бирликлари

1. Автосервис корхоналарини турлари.
2. Автомобиллар марказлари.
3. Автосалонлар.
4. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари (АТХКС).
5. Дилер станциялари.
6. Автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари (АЁҚС).
7. Автомобилларни турар ва сақлаш жойлари.
8. Автовокзаллар ва автостанциялар.
9. Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар, қуввати, иш унуми, ўтказиш қобилияти ва ҳ.к.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (талабани вазифалари)

Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- автомобиллар марказлари фаолияти билан танишадилар;

- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари (АТХКС) фаолияти билан танишадилар;

- дилер станциялари ҳақида маълумотга эга бўладилар;

- автоустахоналар фаолияти билан танишадилар;

- автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларини (АЁҚС) фаолияти билан танишадилар;

- ихтисослашган таъмирлаш - тиклаш корхоналари фаолиятини ўрганадилар;

- автопрокат пунктлари фаолиятини ўрганадилар;

- автомобилларни турар ва сақлаш жойлари фаолияти билан танишадилар;

- асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар, қуввати, иш унуми, ўтказиш қобилиятини баҳолай оладилар.

Назорат учун саволлар.

1. Автосервис корхоналарининг бир неча хиллар ва турларга бўлиниши мезонларини тушунтиринг.

2. Автомобил марказлари қандай мақсадларда ташкил этилади ва уларни вазифалари нимадан иборат?

3. Дилер станцияларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

4. Шаҳарлар ва шаҳарлараро йўллар бўйларида жойлашган автосервис станцияларини ўзаро фарқи бор-ми?, ва у нимада?

Таянч сўз ва иборалар

1. Автосервис корхоналарини турлари

2. Автомобиллар марказлари

3. Автосалонлар

4. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари (АТХКС)

5. Дилер станциялари

ТЕСТ ТОПШИРИКЛАРИ

1. Очиқ тест.

1.1. Автотомарказлар йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан қилади.

1.1. Автотомарказларда ками билан та ишчи постлар мавжуд.

2. Бир тўғри жавобли ёпиқ тест:

2.1. ТХКС кандай хусусиятлар буйича тавсифланади?

- A) Қуввати ва жойлашиш ўрни бўйича;
- B) Вазифаси ва жойлашиш ўрни бўйича;
- C) Бажарадиган хизмат тури бўйича;
- D) Ишчи постлар сони бўйича;
- *E) Юқорида келтирилган хусусиятлар бўйича.

2.2. ТХКС лари жойлашиш ўрнига кўра қандай турларга бўлинади?

- A) Шаҳар АТХКС лари;
- B) Йулбўйи станциялари;
- *C) Шаҳар ва йулбўйи станциялари;
- D) Шаҳардан ташқари ва шаҳар атрофида жойлашган станциялари;
- E) Йул бўйича жойлашган станциялари.

2.3. Шаҳар ТХКС лари бажарадиган иш турига кўра қандай турларга бўлинади?


- A) Комплекс, универсал, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш;
- B) Фирмали, махсуслашган;
- C) Сервис ва кафолатли хизмат кўрсатиш;
- D) Махсус устакхона ва марказлар;
- *E) Юқордаги ҳамма турларга.


Фирма усулидаги автосервис хизмати доир

Синквейн намуналари:

- 1.Фирмавий
 - 2.Сервис хизмати
 - 3.Фирма усулида автосервис
 - 4.Компания ўзининг маҳсулотини кафолатлайди
 - 5.Маркали
- 1.Фирма
 - 2.Фирма усули
 - 3.Фирма усулида хизмат
 - 4.Фирма усулида хизмат кўрсатиш
 - 5.Русум

КЛАСТЕР НАМУНАСИ





«Автомобилларнинг фирмаларида хизмат кўрсатиш» мавзуси бўйича тарқатма материаллар

№	Вазиятлар	Жавобни та
1	Маърузалар матнини ёзиб чиқадилар	А. Билиш
2	Маъруза мантидан сўнг берилган назорат саволларига жавоб топадилар	В. Тушуниш
3	Фирма усулида автосервис бўйича тажриба машғулоти бажарадилар	Д. қўллаш
4	Фирма усулидаги автосервисни бошқаруш усуллар афзалликларини топадилар	Е. Таҳлил
5	Фирма усулини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари аниқлайдилар	Ғ. Синтез
6	Фирма усулидаги автосервисни бошқаруш усуллар билан солиштирадилар	Г. Баҳолаш

«Фирма усулида автосервис» мавзусини Блум таксономияси бўйича таҳлили

Сервис сўзига Синквейн тузиш
Ахборот йиғиш ва ёйиш

- А) __Сервис
 Б) __сифатли хизмат _____
 В) Техник хизмат кўрсатиш_____
 Г) Транспорт воситалари таъмир ишлари_____
 Е) _____Хизмат

3.2.1 Интерфаол методлардан фойдаланиб «Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари» мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш

Вақт тақсимоти: 1-босқич - Тайёрлов-10 мин; 2-босқич - Даъват (чакирувчи)-15 мин; 3-босқич – Англаш - 32 мин; 4-босқич – Мулоҳаза (фикрлаш)- 20 мин; 5-босқич - Уйга вазифа – 3 мин, жами-80 мин.

Ўқув материаллари: Услубий кўрсатма, кўргазмалар, куроллар, макетлар, штанген-циркул, қоғоз, дафтар, қалам, ручка. Асосий сўз ва иборалар: Ишлаб чиқариш минтақалари, Ювиш-тозалаш ва қуриш, Автомобилларни қабул қилиш ва буюртмачига топшириш, Диагностика постлари ва жиҳозлари, ТХК ва Т постлари ва жиҳозлари,Таъмирлаш тиклаш устахоналари, Шина ва ғилдиракларга хизмат кўрсатиш, Элементлар бўйича диагностика қилиш,Технологик жараёнлардаги оғир ишлар ва уларни механизациялаштириш воситалари, Ишлаб чиқаришни ҳар томонлама механизациялаштириш, Автоматлаштириш, компютерлаштириш ва метрологик таъминлаш, Моддий техника таъминотини ташкили этиш. Интерактив стратегиялар: Кичик гуруҳларда ишлаш «Б-Б-Б» стратегияси «Синквейн» услуби «Кластер» тузиш	Дарснинг мақсади (талабаларнинг вазифалари) Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг: -Жиҳоз турларини санай олади. - Жиҳозлар сонини аниқлайди. - Жиҳозни қандай материалдан тайёрланганлигини билади. - Жиҳознинг ўқлар орасидаги масофасини ҳисоблаш формуласини қўллаган ҳолда аниқлашни билади. - Жиҳозга таъсир этувчи омилларни бир – биридан фарқлай олади.
---	---

Машғулотнинг бориши

Машғулот босқичлари	Педагог	Талаба	Назорат
Тайёрлов босқичи	Дарснинг мавзуси мақсади, ўтказиш тартиби эълон қилинади. Талабалардан таклиф этилган натижаларни кичик гуруҳларда муҳокама қилиниб, гуруҳлар сардори бу ҳақида қисқача ахборот бериши лозимлигини айтади. Асосий таклифлар тушса, натижалар рўйхатига тузатишлар киритилиб, охириги варианты овозга қўйиб тасдиқланади.	Кичик гуруҳларга уюшгандан сўнг, машғулотга тайёр эканлигини билдирадилар. Машғулот мавзуси ва унда кутиладиган натижаларда ўз мулоҳазаларини билдирадилар ёки таклиф этилган натижалар рўйхатини тасдиқлайди.	
Даъват (чакирувчи)	Саволлар беради: 1. Жихозларга дастлабки ишлов бериш қандай кетма-кетликда бажарилади? 2. деталлар қандай жихозларда тўғриланади? 3. Тирсакли вални тўғрилаш учун асосий вақт қандай аниқланади? 4. Вал типдаги деталлар қандай марказлаштирилади?	Тирсакли вал учун тайёрлов операциялари одатда қуйидаги кетма - кетликда бажарилади: тўғрилаш; марказсиз йўниш; қирқиш; марказлаштириш ва бажарилган операцияларни назорат қилиш. Чивикларни дастаки, винтли, эксцентрикли, гидравлик, пневматик ва фрикцион прессларда тўғрилаш мумкин. $t_a = \frac{(l_{\text{чшв}} + l_p)}{S_M} i = \frac{(l_{\text{чшв}} + l_p)}{S \cdot n_p} i \text{ [м]}$ Валларни марказлаштириш вертикаль ва горизонталь-	Жавобларни баҳолаб ҳар бир талаба учун ўзлаштириш портфеллаш тўлдирилади

		пармалаш, токарлик ва револьверли дастгоҳларда, серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда эса бир ва икки томонлама махсус марказловчи дастгоҳларда ҳамда фрезерли-марказловчи дастгоҳларда амалга оширилади							
Англаш	Жиҳозларга ишлов бериш тўғрисида умумий маълумот билан танишилади. Ишлов бериш кетма-кетлиги, уларда қўлланиладиган дастгоҳ ва жиҳозлар ўрганилади. Схемалар чизилади, тегишли формулалар ўрганилади, олинган билимлар билан ўртоқлашилади.	Талабалар кичик гуруҳлар таркибада Б-Б-Б стратегиясига оид қуйидаги жадвал тўлдирилади <table><tr><td>Билам ан</td><td>Билишни хоҳлайман</td><td>Билиб олдим</td></tr><tr><td></td><td></td><td></td></tr></table>	Билам ан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим				Эксперт (талаолар) билан биргаликда гуруҳлар фаолиятини баҳолаб боради.
Билам ан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим							
Мулоҳаза (фикрлаш)	Тирсакли вал, тўғрилаш дастгоҳи, йўниш дастгоҳи ва марказлаштириш дастгоҳи сўзларига синквейн тузиш. Заготовка, марказлаштириш сўзларига кластер тузиш		Жавоблар баҳолаб борилади						
Уйга вазифа		1. Тирсакли вални тайёрлаш учун чивикқа дастлабки ишлов беришни ўрганиш. 2. Кузов листни қирқиш учун дастгоҳ танлашни ўрганиш. 3. Заготовка сўзига Венн диаграмма тузинг.							

Б-Б-Б жадвалини тўлдириш

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим
Жиҳозларнинг қандай турлардан иборат бўлишини ва уларни участкаларда Жойлашган эканлигини.	Автомобил деталларига дастлабки ишлов бериш технологияларининг кетма-кетлигини ва уларда қўлланиладиган дастгоҳ ва жиҳозлар тўғрисида маълумотларни.	Жиҳозларда дастлабки ишлов бериш технологияларининг кетма-кетлигини ва уларда қўлланиладиган дастгоҳ ва жиҳозларнинг схемаларини, уларнинг ишлаш принципларини ва танлашни. Бажарилган иш учун сарфланадиган асосий вақтни аниқлашни.

Маълумки, барчага бир хил тушунтирилган ўқув материални турли талабалар турлича даражада ўзлаштирадilar. Натижада ўзлаштириш ёйилмаси пайдо бўлади, унинг энг кўп қисми ноаниқ тасаввур соҳасида ёки ундан ҳам пастда бўлади.

1. Кам қобилиятлилар (5 фоиз атрофида) жуда кўп вақт сарфланганда ҳам белгиланган билим ва кўникмалар даражасини эгаллай олмайдилар.

2. Иқтидорли талабалар (5 фоиз атрофида), улар бошқаларни кучи етмаган топшириқларни уддалайдилар ва юқори суръатда ўзлаштирадilar.

3. Оддий қобилиятли талабалар - улар кўпчиликни ташкил этадилар (90 фоиз атрофида) ва ўзлаштириш қобилиятлари ажратилган вақтга боғлиқ бўлади.

Бу маълумотлар асосида, ўқув жараёни тўғри ташкил этилса ва унга ажратилган вақт қатъий чекланмаса, 95 фоиз талабалар материални тўла ўзлаштиришга эришишлари мумкин, қолганлари эса тўла ўзлаштира олмайдилар деган фикрга келинди.

Агар ўқиш шартлари (услублар, усуллар, ўқув материали, ажратилган вақт) барча учун бир хил бўлса, талабаларнинг кўпчилиги билим ва кўникмаларни эгаллашда «ўртача» натижага эришадилар. Талабаларнинг қобилияти бўйича тақсимланиши ва улар эришган ўқув натижалари ёйилмаси орасидаги бундай боғлиқлик Б. Блум тажрибасида ҳам тасдиқланди. У талабалар қобилиятларини ўқитишдан олдин аниқлади ва ўқув натижаларига кўра юқори қобилиятли талабалар юқори кўрсаткичга, ўртача қобилиятлар эса ўртача ва паст қобилиятлилар - паст кўрсаткичларга эришганликларини қайд килди.

Лекин, одатдаги ўқитишдан фарqli ҳолда, ўқув жараёнини энг мақбул ҳолда ташкил этилса (энг аввало ўқитиш суръати бўйича), ўқув материалини деярли барча талабалар томонидан ўзлаштиришга эришилган. Бу ҳолда талабалар қобилиятлари ва ўзлаштириш натижалари ўртасидаги боғлиқлик сезиларли даражада пасаяди, яъни фақат юқори қобилиятли талабаларгина эмас, балки ўртача ва паст қобилиятлилари ҳам юқори даражаларга эришишлари мумкин. Шундай қилиб, тўла ўзлаштириш моделига асосланган ўқитишнинг асосий белгиларидан бири, деярли барча талабалар эриша оладиган юқори даражадаги ўқув натижаларининг белгиланишидир. **Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари** мавзуси бўйича ўқув материалини тўла ўзлаштириш эталонини аниқ ифодалаш, бу тизимда ишлашнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Юқорида баён этилганидек, (2,3 мавзулар) ўқув мақсадларини аниқлаштириш бўйича ҳаракат тартиби ва ўқув мақсадлари таксономиясидан фойдаланган ҳолда, “Автосервис асослари” фани бўйича ўқув мақсадларини мумкин бўлган даражагача майда бўлақларгача аниқлаштирилади. Эришиш лозим бўлган аниқ якуний натижалар рўйхати тузилади. Булар асосида белгиланган мақсадларга эришилганликни аниқлаш учун мавзу бўйича тест топшириқлари тузилади. Демак, якуний тест топшириқлари сони, қўйилган ўқув мақсадлари сонига тенг бўлиши зарур. Сўнгра ўқув мавзуси материалларни батафсил таҳлил қилиб, уни алоҳида қисмларга - фрагментлар (ўқув бирликлари)га ажратади. Ҳар бир ўқув бирлиги мантиқан якунланган яхлит қисм бўлиб, уларни аниқлашда ўқув соатларининг ҳафталик тақсимоти ҳам эътиборга олиниши лозим.

Ўқув бирликлари аниқлангандан сўнг, уларнинг ҳар бири бўйича ўқитиш натижалари аниқланади ва улар асосида жорий баҳолаш тест топшириқлари тузилади. Бу топшириқлар ҳар бир ўқув бирлигини ўзлаштирилганлан сўнг, талаба мавзу бўйича эришиши зарур бўлган натижаларга мос ва уларни аниқ ифодалаши зарур. Жорий баҳолаш тест топшириқлари ташқи характериға эға бўлиб, улар ўз вақтида тегишли ўқув жараёниға тузатишлар киритилишини, қўшимча ўқув ҳаракатлар тартиби киритилишини аниқлашға ёрдам беради.

Навбатдаги босқич - ҳар бир тест саволлари бўйича, унга тенг кучли (алтернатив) қўшимча ўқув материалини тайёрлашдир. Булар, айрим талабаларға “Автосервис асослари” фанидан ўзлаштира олмаган материалларни қўшимча ўрганишларига мўлжалланган ва дастлабки (асосий) ўқув материалдан фарqli бўлиб, ўзлаштириш усулларини танлашда талабаларға ёрдам берадилар.

Бу услуб амалда қуйидаги қадамлар кетма-кетлигидан иборат бўлади:

- *Кириш қисми - талабаларни тўла ўзлаштириш услуби бўйича ишлашга йўналтириш.*

- *Ҳар бир ўқув бирлигини тўла ўзлаштирилишини таъминлаш.*
- *Ўқув материални ҳар бир талаба томонидан ўзлаштириши тўлақонлигини аниқлаш (тест).*

- *Ҳар бир талаба олган баҳосини тезлик билан изоҳлаш.*

Қўшимча материал тузиш талабаларни тўла ўзлаштириш услуби бўйича ишлашга йўналтиришнинг энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, у қуйидагилардан иборат. Энг аввало ўқитувчи - ўзлаштириш тўла бўлиши учун ҳар бир ўқув бирлиги бўйича нималарни ўзлаштириш зарурлигига батафсил тўхталади. Янада батафсилроқ тушунтириш мақсадида олдиндан тузилган тест топшириқлардан фойдаланиб, талабаларга якуний баҳолаш топшириқларини кўрсатади. Лекин, якуний баҳолашни айнан шу тест билан ўтказилмайди, балки у саволлар ёки жавоблар тартиби, саволларнинг маъноси сақланган ҳолда бошқача шаклда тузилган топшириқлардан фойдаланилади. Сўнгра, ўқитувчи талабаларга материални тўла ўзлаштириш учун қандай ўқиш кераклигини тушунтиради. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

1. Гуруҳ талабаларнинг ҳаммаси яхши натижаларга эришадиган янги услуб билан ўқийди.
2. Ҳар бир талаба фан бўйича баҳони фақат якуний назоратдан кейингина олади.
3. Ҳар бир талабанинг билими бошқаларга нисбатан эмас, балки фақат олдин тузилган эталон-мақсадга солиштириб баҳоланади (эталоннинг энг юқори кўрсаткичини айтиш керак).
4. Ушбу эталонга эришган ҳар бир талабага юқори баллар қўйилади.
5. Аъло баҳолар (юқори баллар) сони чегараланмайди. Шунга мувофиқ - ўзаро ёрдам ҳар бир талабанинг аъло баҳо олишига имконият беради. Агар барча талабалар бири-бирига ёрдам берсалар, гуруҳдаги барча талабалар ҳам аъло баҳо олишлари мумкин.
6. Ҳар бир талабага зарур бўлган ҳар қандай ёрдам кўрсатилади. Агар бир усулда ўзлаштира олмаса, унга бошқа усулдан фойдаланиш таклиф этилади.
7. Фанни ўқитиш жараёнида ҳар бир талаба ташхисли текширув ишлар тўплами билан таъминланади. Улар талабани ўзлаштиришдаги аста-секин силжишини таъминлайди. Бундай текширишлар натижаси баҳоланмайди - улар фақат талабаларга ўз хато ва камчиликларини аниқлашга, уларни ўз вақтида тузатишга ёрдам беради.

8. Жорий текширув топшириқларини бажара олмаган талабага дарҳол алтернатив (тенг кучли) ўқув топшириқларини танлаш таклиф этилади. Уларга йўл қўйилган хато ва тушунмовчиликларини бартараф қилишга ёрдам берилади.

9. Бундай имкониятлардан ўз вақтида зудлик билан фойдаланиш керак, акс ҳолда хато ва тушунмовчиликлар йиғилиб, келгуси ўқув материални ўрганишда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Бундан - ўқитишнинг дастлабки босқичидаёқ бу тизимнинг асосий технологик белгиси - ўқув жараёнини олдиндан белгиланган аниқ мақсадга йўналганлиги сезилиб турибди. Ўқув жараёни олдиндан тузилган ўқув бирликларига мувофиқ ҳолда блоklarга ажратилади. Ўқув бирликларининг кетма-кетлиги ўқитувчи томонидан танланган қўлланма (дарслик) асосида тузилади. Янги материални тушунтириш ва уни қайта ишлаш одатдагидек олиб борилади. Лекин, ҳар бир талабанинг фаолияти аниқлаштириб белгиланган ўқув мақсадларига мос ҳолда ташкил этилади.

Барча талабалар ҳар бир ўқув бирлигини тўла ўзлаштирганларидан сўнг, ташҳис тести ўтказилади ва унинг натижаси дарҳол эълон қилинади. Билим ва кўникмаларнинг тўла ўзлаштирилиши, баҳолашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. Текширув иши баҳоланиб бўлгандан сўнг, талабалар икки гуруҳга: билим ва кўникмаларини тўла ўзлаштирганлар ва тўла ўзлаштирмаганларга ажратилади. Тўла ўзлаштирганлар қўшимча материаллар ўқиши, бошқаларга ёрдам бериши ёки навбатдаги ўқув бирлигини ўқиш бошлангунча бўш бўлиши мумкин. Ўқитувчи асосий эътиборни тўла ўзлаштира олмаган талабаларга қаратади, улар билан ёрдамчи (коррекция) ўқув ишларини олиб боради. Бунинг учун аввал, талабаларнинг билими ва кўникмаларидаги камчиликлар, материалнинг энг кўп талабалар ўзлаштира олмаган қисми аниқланиб, машғулотлар синфнинг барча талабаларига ўтилади. Баён этиш яна қайтарилади, лекин у бошқа усулда, олдин қўлланилмаган кўргазмалар ва техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Якка тартибдаги камчилик ва хатоларни тузатиш учун ҳар бир талаба билан алоҳида иш олиб борилади. Бунда 2-3 кишидан иборат кичик гуруҳлар билан ишлаш, уларни бир-бирига ёрдам бериши ёки мазкур ўқув бирлигини тўла ўзлаштирган талабаларни уларга бириктириш, кабилар ишни ташкил этишнинг асосий шакллари бўлиши мумкин.

Ёрдамчи машғулот ташҳис тести ўтказиш билан якунланади, ундан сўнг материални тўла ўзлаштира олмаганлар билан яна қўшимча машғулот ўтказилади. Гуруҳдаги барча талабалар белгиланган даражадаги билим ва кўникмаларни тўла ўзлаштирганларидан сўнг, навбатдаги ўқув бирлигини ўрганиш бошланади.

Жорий ўзлаштиришдаги баҳолар асосан оғзаки шаклда бўлиб, талабалар руҳини кўтариш учун хизмат қилади. Уларнинг умумий маъноси: «Сен шунча саволга тўғри жавоб берибсан, бу яхши натижа, агар бошқа бўлимлар бўйича ҳам мана шунака натижаларга эришсанг, якуний назоратда аъло баҳо олишинг мумкин», ёки «Агар мана бу саволларга ҳам жавоб берганингда, у сени яхши ўзлаштираётганингни билдирар эди, ҳозирча қайси саволларга эътибор бериш кераклигини кўриб чиқайлик» (Ижобий мустаҳкамловчи реакциялар қоидаси).

Бу услубнинг муҳим томони тўла ўзлаштириш эталонини аниқ белгилаш ва ифодалашдан иборат. Унинг асоси эса, ўқув мақсадларини аниқлаштириш бўлиб ҳисобланади. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин: а) талабанинг аниқ ифодаланган ўқув ҳаракатлари билан, б) кўрсатилган тўғри жавоблар сони билан. Иккинчи ҳолда мезон 80-90% даражасида белгиланади. Илмий текширишлар кўрсатганидек, бундай даражани белгилаш мустаҳкам ижобий натижа беради ва кўпчилик талабаларни фанга қизиқиши, умуман ўқишга бўлган ижобий муносабатлари сақланиб қолади. Мезонни 75 фоизга тушуриш эса натижани ёмонлаштиради.

Ҳар бир ўқув бирлиги доирасидаги ўқитувчи фаолияти қуйидаги кетма-кетликни ташкил этади:

1. Талабаларни ўқув мақсадлари билан таништириш.
2. Мазкур бўлим (ўқув бирлиги)ни ўқитиш режаси билан барча талабаларни таништириш.
3. Ўқишни ташкил қилиш (иложи борида ўқитувчи томонидан материални баён қилиш шаклида).
4. Жорий текширувни ўтказиш (ташҳис тест).
5. Текширув натижаларини баҳолаш ва материал мазмунини тўла ўзлаштирган талабаларни аниқлаш.
6. Тўла ўзлаштирамаган талабалар билан қўшимча машғулот ўтказиш.
7. Ташҳис тести ёрдамида ўқув бирлигини тўла ўзлаштирган талабаларни қайта аниқлаш.

“Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари» мавзуси” бўйича якуний текшириш фан ўқитувчиси томонидан ўқишнинг бошланишида тузилган бир ёки бир неча назорат ишлари асосида ўтказилади. Уни ўтказиш вақти олдиндан талабаларга маълум бўлиши керак. Талабалар ишни бажара бориб, жавобларни ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйган бланкаларга белгилайди. Ишни тўғри бажарилганлигини талабаларнинг ўзлари текширадилар. Жавобларни тест калити


билан таққослаб, нотўғри жавоб берилган топшириқларни чизиб, тўғри жавобларни эса доира билан белгилаб, бланкаларни ўз эгаларига қайтарилади. Ўқитувчи жавоб бланкаларига қарамасдан ёзув тахталарига фан бўйича тўла ўзлаштириш эталонини осиб қўяди. Талабалар эталон бўйича ўзининг якуний баҳоларини аниқлайдилар. Якуний баҳога бундай очиқ ва ошқора ёндашиш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни баҳолашнинг бирдан-бир асоси эканлигини тўғридан-тўғри исботлайди.

Одатда якуний баҳо икки хил «тўла ўзлаштирди» ва «тўла ўзлаштира олмади» кўринишида бўлиши лозим. Лекин бу услуб билан ишлаш тажрибаси, уни дастлабки қўллашда талабаларнинг 30-50 фоизигина материални тўла ўзлаштира олишини кўрсатди. Шунинг учун ҳам, дастлабки ҳолларда ўқитувчи олдиндан ўзлаштира олмаган талабалар учун «яхши» ва «қониқарли» баҳолар эталонини ҳам тайёрлаб қўйиши зарур.

Ўқитувчи текширув варақларини ҳамма талабалардан йиғиштириб, ҳар бир талаба учун батафсил ахборот тайёрлайди ва ўқув бирлиги бўйича якуний назорат натижаларига аниқлик киритади. Ўқув мақсадларини белгилашда ишлатилган (К) белгилари - «Т» -тўла ўзлаштирди ва «Ч» -чала ўзлаштирди (-) белгилари билан алмаштирилади. Бу талабаларга ўз билим даражасини аниқлаш ва ундаги камчиликларни тезроқ бартараф қилиш, агар лозим бўлса, қайта топшириш ҳамда навбатдаги материални ўзлаштиришга тайёргарлик кўришда уни эътиборга олиш имкониятини беради.


Тўла ўзлаштириш технологиясининг ютуқ ва камчиликлари. Тўла ўзлаштириш технологияси бўйича ўқитиш халқаро миқёсда кенг тарқалган. 4 поғонали ўқитиш тарзи усули бўйича амалиёт ўқитувчиси ва ўқувчининг фани ўзлаштириш бўйича ҳаракатини ифодалайди.

Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари. Агрегатларни таъмирлаш ва механика участкаси ёки цехида моторлар, узатмалар қутиси, илашиш муфтаси, олдинги ва орқа кўприклар, редуктор, рул механизмлари ва бошқа узелларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, айрим деталларга, масалан, тирсакли вал, мотор блоки ва ҳ.к.ларга турли хилдаги механик, электрогальваник, чилангарлик каби ишловлар берилади ва синалади.





Автосервис корхонаси участкаси жиҳозларига кластер тузиш



ОДИНАМНИ АСОСИЙ ЕТАКЧИ СОҲАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ, ТРАНСПОРТ ВА ИНФРАТУЗИЛМА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ОЛИБ БОРИШ

Ангрен шаҳрида мамлакатимиз ҳудудлари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида кафолатли транспорт алоқасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази қурилиши якунланди ва фойдаланишга топширилди.

Логистика – инсон-машина тизимида моддий, меҳнат, энергия ва ахборот ресурслари оқимлари ҳаракати жараёнларини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш тизими.

Транспорт логистикаси – муайян моддий буюмлар, юklar ва бошқаларни бир жойдан бошқа бир жойга оптимал йўналиш бўйича етказиб бериш, ташишни ташкил этиш тизими.

XXI асрда коммуникация тизимининг аҳамияти, унинг иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни барчамизга маълум. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиши, халқаро майдонда товар ва хизматлар айирбошлаш, турли жабҳалардаги ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бориши бугунги кунда юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришни муҳим стратегик вазифага айлантирди.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада тараққий эттириш учун имтиёзлар, енгилликлар ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши натижасида республикада кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми 2008 йилга нисбатан 116% га ўсди. Хусусан, мазкур кўрсаткичларга эришишда ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қуриб, ишга

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодий тизимининг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

И.Каримов (матрузадан)

туширилиши асосий омил вазифасини бажарди. Натижада 2009 йилда режадаги 4,3 мингта ўрнига жами 8,1 мингта яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жумладан, 2,9 мингта савдо дўконлари, 706 та умумий овқатланиш корхоналари, 943 та сартарошхона, 1166 та кийим тикиш ва таъмирлаш ҳамда пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 307 та суратхона, 103 та хаммом, 1,8 мингдан ортиқ бошқа объектлар ташкил қилинди.

Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эҳтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айни дамда, иқтисодийнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Ўтган 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Инвестициялар – даромад олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.


2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоизидан зиёди йўналтирилади.

И.Каримов (маърузадан)

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишларнинг учинчи бўлими «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2009 йилнинг

ўзидаёқ дастурни ижросини таъминлаш, яъни тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган (3.4.1-расм).



Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидаан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини ва

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошиши режалаштирилаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда 2007 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунда инфратузилма объектларини ривожлантириш учун ажратилиши белгиланаётган инвестицияларга урғу берилаётганлигининг асосий сабаби –

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва ҳалқ фаровонлигини таъминлаш мақсадига эришишдан иборатдир.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар

Автосервис асослари фанини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш мавзуидаги магистрлик диссертацияси кириш, асосий ва педагогик қисмдан иборат бўлиб, жами 80 варақни ташкил этган. Магистрлик диссертацияси фан бўйича маърузани талабаларга ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқитиш методикаси кўрсатилган. Ҳар бир маъруза учун ўқув модул бирликлари ва аниқлаштирилган ўқув мақсадлари кўрсатиладиган. Маърузалар охирида дарсни тўла ўзлаштириш учун назорат саволлари, таянч сўз ва иборалар ва турли усулдаги тест топшириқлари берилган.

Тест топшириқлари ҳар бир маъруза мавзуини ўз ичига қамраб олган бўлиб, тестшунослик назарияси қоидалари асосида тузиб чиқилган. Маъруза матнларидан сўнг очик тугалланмаган тестларга мисоллар келтирилган бўлиб бундай тестда жавоб варианти берилмайди. Бир тўғри жавобли ёпиқ тест вариантларида, ёпиқ тест тўғри жавоблари бир неча бандда кўрсатилган бўлиб талаба жавобни асослаши лозим бўлади.

Шунингдек ҳар бир маърузадан сўнг мувофиқликни аниқловчи тест топшириқларига мисоллар кўрсатилган. Бундай тестда талаба жавобларини мувофиқлигини аниқлайдилар. Бу каби тестларни ечиш талабанинг нафақат хотирасини, балки фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради. Тўғри кетма-кетликни аниқловчи тестлар орқали талабалар автомобил механизмлари қисмларга ажратиш ва бўшатиш, йиғиш технологик жараёнларини кечиши кетма-кетлигини тестларини ечиш орқали олган билимларини мукамаллаштириб оладилар.

Ушбу магистрлик диссертацияси кўрсатилган маъруза матнларини кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида оммалаштиришни ва ўзларининг педагогик фаолиятларида қўллашларини тавсия қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 1993
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992
3. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили.-Т.: Шарқ, 1995
4. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Ўзбекистон, 1997
5. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».-Т.: Шарқ, 1997
6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғриси» даги қонуни.-Т.: Шарқ, 1997
7. Илғор педагогик технологиялар. ОУМММИ, Т, 1999
8. Тошболтаев М., Султонов С., Икромов М. Машина–трактор парклари //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –1997. 5–сон. 43–46 –бетлар.
9. Тошболтаев М., Рузметов О. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликларига техникавий сервис ҳамда лизинг хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш //Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. –2002. 3(9)–сон. 69–72–бетлар.
10. Йўлдошев Ш.У. Машиналар ишончилиги ва уларни таъмирлаш асослари: Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –479 б.
11. Тошболтаев М., Ким. Э. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари: тавсия ва таклифлар. –Т.: Фан, 2001. –72 б.
12. Тошболтаев М., Норқулов Э. Ғўза парвариши: дастлабки агротехник тадбирлар //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2007. 4–сон. 2–3– бетлар.
13. Тошболтаев М., Олимжонов Х., Исаков Р. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга техникавий сервис хизматларини кўрсатиш: натижалар ва вазифалар //Аграр фани ютуқлари ва истикболлари: Халқаро илмий–амалий конференция маърузаларининг тезислари. 1–2 май 2002 йил. Тошкент, ТошДАУ. –2002. 71–73–бетлар.
14. Тошболтаев М. Машина таъмири: қайси усул мақбул? //Иқтисод ва ҳисобот. –1996. 2–сон. 54–55–бетлар

15. Тошболтаев М.Т., Шамшетов С.Н., Нуржанов Н.У. Математическая модель оценки эффективности разных форм технического сервиса сельскохозяйственном товаропроизводителям //Аграр фани: ютуқлари ва истиқболлари: Халқаро илмий амалий конференция маърузаларининг тезислари. 1–2 май. 2002 йил. Тошкент, ТДАУ. –2002. 84–85–бетлар

16. А.Полвонов Транспорт воситаларини техник эксплуатацияси ва автосервис асослари фанидан маърузалар матни Наманган НамМПИ- 2008 й

17. А.Полвонов «Автосервис корхонасининг ишлаб чиқариш техника базаси» фанидан маърузалар матни Наманган НамМПИ 2007 й

Интернет маълумотлари

- | | |
|--|---|
| 1. www.tayi.uz | 4. www.avtoklakson.ru |
| 2. www.5 ballov.ru | 5. www.referats.ru |
| 3. www.zarulem.ru | 6. www.uznet.net |